

# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## БИР ТАҢУ БИР ЖОНМИЗ!

**Қудратли миллий армия тузиш жадид боболаримизнинг энг асосий мақсадларидан бири эди. Биз бу ниёт ва йўриқни пешқадам боболарнинг Туркистон мухториятига йўллаган мактубларида кўрамиз. Афсуски, бу умидлар қаттол салтанат томонидан жувонмарг этилди, умидлар саробга дўнди.**



Албатта, бу аччиқ ҳақиқатни билсак-да, уни ўзгартиришга қўрбимиз етмасди. Имконсиз, нажотсиз эдик.

Шу ўринда, кўнгилдан "Суворов ким эди?" деган савол ўтади. Тўғри, у ҳам ўз даврида халқига хизмат қилган бир инсон бўлган. Лекин Амир Темурад буюк салтанат тузган, ҳарбий санъатни юксак даражага кўтарган, адолат ва маърифат ҳомийси бўлган, бунёдкорлик, ободликка беқиёс ҳисса қўшган, ўздан бебаҳо мерос қолдирган улўф зотлар дунё тарихида жуда кам ўтган.

Давлатимиз раҳбарининг гоёси ва ташаббуси билан ҳарбий таълим масканлари "Темурбеклар мактаби" деб аталди. Аҳамиятлиси, бу ўқув даргоҳларининг фақат номи ўзгармади, балки улардаги муҳит, шарт-шароитлар бутунлай янги мазмун, янги қиёфа касб этди.

Албатта ҳарбий таълим даргоҳларидаги муҳитни янгилаш ҳақида гап кетганда, фақат

Амир Темурад бобомизнинг суратини осиб кўйиш билан иш битмаслиги аён ҳақиқат эди. Шу боис бу ерда мутахассисларни ишга жалб қилиш тартиблари, ўқитувчиларга қўйилаётган талаблар қайта кўриб чиқилди. Дарс сифатини оширишга, ўқувчиларда халқимизнинг маънавий-маърифий кадрларини, маданияти ва урф-одатларини чуқур жўрмат қилиш, ҳалоллик, ватанпарварлик, садоқат, фидокорлик сингари хислатларни, миллий ғурур туйғуларини шакллантиришга уруғ берилди.

Ёш авлодга халқимизнинг тарихи ва бой маданияти, буюк аждодларимизнинг, аввало, Амир Темурадининг бебаҳо меросини, жанг санъатини ургатишга, уларда Ўзбекистон халқига содиқлик, қатъий ҳаётий қарашлар ва фаол фуқаролик позициясини юксалтиришга эътибор кучайтирилди.

"Эл-юртимиз тақдири — менинг тақдирим, Ватанимнинг келажаги — менинг келажагим",

деган эзгу тамойил бу ерда камол топаётган ёшларнинг ҳаёт тузугига айланган. Бу жуда муҳим ютуқ. Эеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди".

Шўкр деймиз, сиз билан биз жадид боболарга армон бўлган орзулар рўйбени кўриш саодати га эришдик. Бугун том маънода миллий қиёфа касб этган қудратли армиямиз мамлакатимиз ва халқимизни ҳар қандай ташқи таъжовуз ва хавфдан муҳофаза қила олади. Бунга Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги жамоатчилик кенгаши вакили ҳамда халқ билан армия ўртасида ҳолис воситачи сифатида мен тўла-тўқис ишонаман.

Бундай янгича ёндашув, янгича қараш, янгича сиёсат — Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган тарихий ислохотларнинг мевасидир.

Иқбол МИРЗО

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

ХОТИРА АЗИЗ

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

**Президентимиз Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган нутқида "XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун қурашга чорлаган жадид боболаримизнинг хотирасини эъзозлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Айниқса, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, шарафли номларини тиклаш, тарих ҳақиқатини айтиш, ҳатто жадид боболар яшаган уйларга аниқлаш ва ёдгорлик лавҳаларини ўрнатиш ҳақидаги тақдирлар барчага руҳ, рағбат бағишлади.**

Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор Рустамбек ШАМСУТДИНОВ совет даврида Урта Осиё, Туркистоннинг 1917-1925 йиллардаги тарихига бағишланган илмий ишларини тайёрлаш жараёнида Москвадаги қатор марказий архивларда, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Шимолий Кавказ архивларидаги ҳужжатлар, даврий матбуот материалларини чуқур ўрганиб, уша суронли 1937-1938 йилларда қатағонга учраган, узоқ муддатларга ҳукм этилган, концлагерлар азоб-уқубатларини тортганларнинг хотираларини жамлаган. Албатта, қатағон қурбонларининг сони минглаб, газетанинг ушбу ва навбатдаги сонларида—а аксиланкилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг айрим аъзолари ҳақида қисқача маълумотлар бериб боришни режалаштирдик. Уйлаймизки, газета саҳифаларида эълон қилинган қатағон қурбонларининг исми-шарифини ўқиб, уларнинг фарзандлари, набиралари топилади. Улар боболаридан қолган хотиралар ёки китоблар бўлса, тахририят билан ўртоқлашди деган умиддамиз.

(Давоми 7-саҳифада)

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

**Кейинги пайтларда четдаги айрим ғаразгўй, шовинист кимсалар (улар орасида ўзини ёзувчи деб биладиган кишилар ҳам борлиги айниқса ачинарли) томонидан юртимизга нисбатан билдирилётган ҳавойи даъво-дастакларга оташнафас шоирамизнинг ушбу шеъри муносиб жавоб бўлади, деб ўйлаймиз.**

Тахририят

Кишанлар кияйми,  
Бўйин эгайми,  
Эркимни берайми сенга қайтариб?  
Ўзни унутайми,  
қонлар ютайми,  
турайми қошингда муъте, музтариб?!  
Чопайми  
Чопилган томиларимни,  
Сугуриб берайми тилимни?!  
Бир "ҳайт!" деб,  
Сермасанг қамчининг,  
Қул қилиб берайми Элимни?!  
Кўзимни юмайми,  
Энди очилган  
Тарихнинг асоси китобларидан?  
Юзимни бурайми,  
Ёвдан юзини  
Бурмаган аждодим хитобларидан!  
Қиличим ташлайми  
Синмасдан бурун...  
Қаттол қиличига тегмай жаранги?  
Кўқонни, Марғилон  
ва ёки Жиззах...  
Жанггоҳ этагида тугамай жанги?  
Санчайми

Ҳар битта гўдақларимни,  
Ваҳший бир аскарнинг милтиқ тийғига?  
Кўйлагин илайми  
Кўжалдош, Кўжча...  
Масжидин тўрида турган туғига?  
Ўтайми  
Пок муслим, тоза муслима  
Бобом ё момонинг қабрини бузиб?  
Ерга урайинми яловларимни  
Онам туморини узгандай узиб?  
Кетайинми яна  
Юз йиллар нари,  
Пешонамга лаънат тамғасин босиб?  
Ўлдирайми  
гул-гул фарзандларимни  
Сургунга жўнатиб,  
Дорларга осиб?!  
Қараб турайнми  
Суврати аён,  
Сотқин сиёғига жимгина боқиб?  
Лаънатлайми  
Чўлпон, Усмонларимни,  
Қодирий китобин ўтларга ёқиб?!  
Бузайинми  
Хива, Бухоро Аркин,  
Минг йиллик минора ҳавозаларин?  
Бир дағдаға қилсанг,  
Очиб берайми  
Тошкент ё Самарқанд дарвозаларин?!  
Ерга кўмайинми,

Осмонни очган  
Настаълиқ, шижаста имлоларимни?  
Бузилган қасринга  
Тўлайми хирож —  
Ипагу пахтамини, тиллоларимни?  
Оми деб кулайми  
Даҳоларимдан,  
Беришса — кўзининг ёғига еб?  
Ор қилайми халқим,  
Она тилимдан,  
"Шуям миллатми деб, шуям халқми деб?"  
Бўшатиб берайми  
Мадрасаларни,  
Ёв бостириб келса — отхоналарга?!  
Алмашиб берайми  
Масжид, мадраса,  
Саждаҳоқларимни бутхоналарга?!  
Яна нима дейсан,  
Нима истайсан,  
Ёлғон, фитналардан безмадинми ҳеч?!  
Уйнашма  
Миллатнинг ғурури билан,  
Миллатнинг Номуси, Оридир — бу Эрк!  
Она дегани бу — Она тилидир!  
Ва бутун бир халқнинг боридир — бу Эрк!  
Жонини жаҳонга  
Жон деб улашган  
Улуғ бир Онамиз — шу Ватан ҳаққи,  
Келсанг,  
Одамдай кел! —

Бағримиз очил,  
Нон ҳаққи, туз ҳаққи, жону тан ҳаққи!..  
Истибодд сиртмоғин  
Бўйинимга солмоқ —  
Бўлса агар қасдинг,  
Умидингни уз!  
Коинот қалбида  
Порлаб турибди  
Бугун Ўзбек деган мунаввар бир Сўз!  
Кўрқитма!  
Қалбимдан қўларингни торт!  
Катта Йўлга чиқиб бўлган Карвонимиз!  
Асли сен қўрқасан!  
Чунки Ишқ билан,  
Бир буюққалб бўлган Ўзбекистонимиз!  
Бир буюқхалқ бўлган Ўзбекистонимиз!

Зебо МИРЗО

Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки сен ҳам ҳур туғулгонсен!

Абдулҳамид Чўлпон



Бошланиши 1 саҳифада

— Жадидлар мураккаб бир даврда майдонга чиқдилар. Уларни кўллаб-куватлайдиган, гоёларини татиқ эттишга ёрдам берадиган кучлар ниҳоятда оз эди. Бир томондан қадимчилар қарши турган бўлса, бир томондан чор ва совет ҳукумати уларни йўқ қилиш пайида бўлди. Шундай қийин вазиятда ҳам улар мақсадлари йўлида чекинмадилар, миллатни уйғотиш, юртни озод қилиш, халқ тафаккурини юксалтириш йўлидан дадил бордилар. Юртбошимиз кўпдан бери зиёлиларимиздан жадидларга хос ана шундай дадиллик, қатъият ва эзгу ташаббусларни кутаётганликларини таъкидлаб келмоқда. Бунга зиёлиларнинг жавоби қандай бўлмоғи керак, деб ҳисоблайсиз?



**Эркин АБЗАН,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

кўл кўрақда, “жанобларнинг отган ўқлари”, “лаббай, хўжайин”... Зиёли деганлари яккаш кўп-кўп китоб хатм қилган кўша-кўша дипломли азамат эмас, ўзидан, шахсий манфаатидан ортиб ўзгаларга беминнат қайишадиган олижаноб, эл бошига иш тушганда пана-панани қидирмай, ҳеч бўлмаса “дили билан қарши” тура оладиган мард ва фидойи зот дегани. Ана шундайлар, Ватан тақдири, миллат эрки учун куйиб-ёнмоққа тайёрлар кўпми

— Зиёли аталмоқдан фахрланамиз, зиёли кўринмоққа интиламиз, аммо зиёлиликнинг юкдан қочамиз, жамиятга масъул бу тоифанинг зиммасидаги вазифаларни эсдан чиқариб қўйганмиз. Тепадан буюрилса ёки бирор илинж билангина ватанпарварга айланамиз, минбарларда ўтти хитоблар қиламиз, бошқа вақт эса — қора костюм-шим, бўйинбоғ,

орамизда? Рўйхат қилмоққа кўрақасиз... Лекин яқиндаги бир ҳолатдан менинг шубҳанок кўнглим бир газ ўсиб десам бўлади. Тўғри, Мустақилликка чиққанмиз ўттиз йиллар мобайнида биз бунақа хуруж ва ҳуришларни кўп кўрдик. Шундай чоғларда миллий матбуотимизни ишга солиб, “Тўйтепадан нари ўтмайдиган” жайдари нўписалар билан кифояланардик. Ҳай, шунчаки хурди-қўйди, касби шудир-да, деб орқайин бўлиб юрверсангиз, секин-секин ақиллашга, вовуллашга ўтади, бу кетишда бир кун ташлаиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Астагириллоҳ! Бу сафар шимол тарафдан яна увлаш эшитилганида бир гуруҳ зиёлиларимиз ижтимоий тармоқ орқали шундай оташин яқдиллик билан қарши чиқишдики, шу ўринда улардан баъзиларининг номини қайд қилмай ўтсам асло инсофдан бўлмас: Алишер Назар, Гулнора Раҳмон, Расул Кушербоев, Муҳрим Аъзамхўжаев, Шаҳноза Соатова, Зафар Солижонов, Бобур Бекмуродов, Камолитдин Раббимов, Ҳамид Содиқ, Жонтемир, Аҳтамқули... Ёдимда қолгани шулар. Аслида яна бир қанча, кўп!.. Кўнглим тоғдай ўсиб, ёронлар, бор бўлинг, таъзим ва таҳсин сизларга! Боз устига денг, ўша кўнлари билмакдор вазирликларимизнинг вазмин, аммо қатъиятли чиқишлари — хайрият! Уйғонибмиз, жаноблар, уйғоняпмиз... Ўзига шукр!



**Хуршид ДЎСТМУХАММАД,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

боларимиз тарихига эътибор, уларнинг мисли кўрилмаган фидойилиги, жасорати бизнинг БУГУНИМИЗ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗ учун ҳар қачонгидан зарурятга айланиб бормоқда. Ватанимиз ва ватандошларимиз Янги Ўзбекистонни бунёд эттишга киришганларига, Учинчи Ренессансдек олиймақом маррани кўз остига олганига бор-йўғи етти йил бўлди. Юртимизда янгилашнинг симфонияси бирон лаҳза жаранглашдан тинмапти.

— Хуршид аканинг “Нима сабабдан айна шу паллага келиб, жадидчилик ҳаракати бу қадар катта эътибор қаратилди?” деган саволи жадидчилик ҳаракатининг бугунги моҳиятига дахлдор савол. Қанчалар оҳанрабо бўлмасин, ўтмишдаги гоёлар, таълимотлар, ҳаракатлар агар бугунга, бугунги мақсад ва интилишларга дахлдор бўлмаса, барибир ўша давр тарихи, нари борса,

қарши ўроқ ва болға кўтариб чиқиш — бу ҳаракатнинг мукамал эмаслигидан дарак беради. Чунки замонавий тамаддун одамдан фақат жасурликни, балки шу билан бирга тафаккур ва билимни ҳам талаб қилади. Тафаккур ва билимни эса фақат маърифат ва билим орқали ўзлаштириш мумкин эди. Қанчалар жасур бўлмасин, билим билан курулланмаган миллат тарих саҳнасида фақат мағлубият алами билан яшашга мажбур эди. Бу сабоқ жадидчилик гоёларининг пойдевори саналади. Улар миллатни маърифат, илм-фан, идрок билан куруллантиришни истади, зеро, билим, маърифат истибод ва қоқликнинг ҳар қандай кўринишига қарши ягона курул эди. Буни улар амалиётда исботлашди. Улар очган мактабларда бу ҳаракатнинг амалий ифодаси бўлиб, жуда катта оқим ўсиб чиқди. Қисқа даврда бутун бошли, кейинчалик миллатнинг илму фани, маданияти, сиёсати, иқтисоди бошида турган алломалар ана шу жадидлар мактабида таълим олишган. Ҳамза, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Ойбек, Акмал Икромов, Абдулҳай Тожиев, Салимхон Тиллахонов, Қайум Рамазон, Баҳром Ҳайдарий, Маннон Уйғур, Субутой Долимов, биринчи ўзбек журналисти аёли Ношиманим, Туркистон илм-фани, иқтисодини Фарб фани ва иқтисоди билан бирмунча яқинлаштира олган Германияда ўқиб келганлар ёки ўқишга кетганларнинг деярли аксари жадидлар мактабларида таълим олишган. Ўрта Осиёда санъатдаги, тафаккурдаги, сиёсатдаги, илмдаги инқилобий ўзгаришлар бошида ана шу жадид мактабларида ўқиганлар туради. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Агар имкон берилганда жадид мактабларида ўқиганлар, пайти келиб, Туркистонни тараққий этган давлатлар қаторига қўшган бўларди. Мен шундай деб ўйлайман. Улар ХХ асрда юртимиз тараққиётига барча соҳаларда муносиб улуш қўшганлардан саналади.



**Назар ЭШОНҚУЛ,**  
ёзувчи.

ўз даврининг ҳодисаси сифатидагина аҳамиятли бўлиб қолаверади. Лекин жадид болаларимиз кўтарган масалалар, уларнинг мақсадлари, орзулари, интилишлари бу ўтмиш эмас. Биз ҳали хануз уларнинг гоёларига эҳтиёжни сезиб турибмиз.

Чунки бу ҳаракат нафақат расмий-сиёсий мустақилликнинггина эмас, миллатнинг ҳар томонлама, сиёсий, фикрий, илмий, маданий, иқтисодий, маънавий раванқ этиши йўлидаги ҳаракат ва гоёлар эди. Бу борада бир нарсага эътибор қаратишни истардим. Гарчи тарихчилар бу ҳаракатни XIX асрнинг 70 йилларидан бошланган деб баҳолаша-да, бу ҳаракат Дукчи эшон қўзғолонидан сўнг ҳақиқий гоё сифатида мукамаллашди. Пулемёт, тўпларга қарши паншаха ва кетмон кўтариб чиққанлар бу гоёни ҳаётини ва миллий эҳтиёжга айлантди. Истибодга қарши Исён қилган болаларимиз қанчалар жасур бўлмасин, барибир замонавий курулларга

# “УЙҒОН,



**Муножат ЙЎЛЧИЕВА,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони.

хизмат қилишимиз лозим.

Жадид болаларимизнинг биз — зиё аҳлига маёқ деб кўрсатилаётганида шундай ажиб ҳикмат бор. Уларда ҳам илм-маърифат, ҳам миллатпарварлик, ҳам санъатсеварлик, ҳам замонавийлик мужассам эди. Биргина мисол, Абдурауф Фитратнинг мусиқа илми ҳақида ёзган асарини

— Халқимизнинг ардоқли онахон санъаткори Лутфихоним Саримсоқованинг “Уйғон, болам” деган кўшиғи бўларди. Демак, фарзандларни алла айтиб ухлатишгина эмас, балки уйғотиш ҳам бизнинг бурчимиз экан. Бугун ҳар қачонгидан ҳам бу борада ўзимизни қийнаб, ўзимиз бедор бўлиб, тафаккур ва қалбни уйғотишга

миллий мусиқа назарияси учун муҳим манба эканини соҳа мутахассислари яхши билишади. Мусиқа назариясини ўрганишни аср бошида айнан Фитрат домла бошлаб берди. Миллий мусиқа ва мақом деганимизда, албатта, кўз олдимизда энг аввал Юнус Ражабий сиймоси гавдаланади. Устознинг машаққатли меҳнатлари туфайли илк бор “Ўзбек халқ мусиқаси” номли олти жилдлик Шашмақом антологияси тузилган. Юнус Ражабий ҳар бир тинглаган мусиқий асарини, ҳажми хоҳ қатта, хоҳ кичик бўлсин, бир эшитишдаёқ ёлла олган. Ўткир зехн, ниҳоятда кучли қувваи ҳофиза ва миллий мусиқага бўлган чексиз муҳаббат туфайли у киши шундай улкан ишни амалга оширган. Миллий мусиқамизни, мақомларимизни ўрганиш учун етарли шарт-шароит бўлмаган даврда ҳам улар фидойилик кўрсатишган. Бугун Юртбошимиз томонидан мақом санъатига берилаётган эътиборни соҳанинг асл усталари бир пайтлар орзу қилишган бўлса, ажабмас. Ўз миллий санъатини қадрлаган халқ ўзлигини танийди. Бундай халқни энгил бўлмайди. Зотан, қандар, мардлик, ватанпарварлик туйғулари нафақат жондан қонга, балки миллий куйлар ва кўшиқлар орқали ҳам авлоддан авлодга ўтади.



**Ёдгор САЪДИЕВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти.

Жадидлар халқимизни уйғотиш учун нега театрдан фойдаландилар? Шу саволни ўзимга кўп бераман. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Театр бу ибратхонадир”, деган пурмаъно таърифлари бу саволга энг тўғри жавоб деб биламан. Халқимизга ибрат бўладиган асарлар яратиш, уни тақдим этиш театр соҳаси вакилларининг бурчидир. Ўзбек театрининг илк намуналаридан бўлган “Падарқуш” драмасида ҳам ўқимаган боланинг ҳоли ибрат қилиб кўрсатилган. Ман, гап қаерда? Томошабинга нима яхши, нима ёмонлигини ойна қилиб кўрсатмоқ театрнинг вазифасидир.

— Муҳтарам Президентимизнинг маданият ва маънавият соҳаси учун қилаётган саъй-ҳаракатлари биз ижодкорларни ҳамisha руҳлантиради. Ўз ўрнида, яратилаётган шарт-шароит ва имкониятларга яраша биздан ҳам муносиб жавоб кутишлари табиий. Шавкат Миромоновичнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида айтилган иккита тушунча диққатимни тортди. Булар “ижтимоий дунёқараш” ва “маданий савия”. Барча раҳбар-етакчиларда бу икки хусусият бўлиши алоҳида таъкидланди. Бундан бир аср муқаддам жадид болаларимиз миллатда айнан шу икки хусусиятни кўришни истаган эдилар. Бугун ҳам бу истақ долзарблигини йўқотмагани бизни ўйлантиради. Миллатимизнинг ижтимоий дунёқарашини ва маданий савиясини оширишга бевоқифа биз — маданият аҳли жавобгармиз. Халқимиз кино ва театрни, қисқа қилиб айтганда, томошани хуш кўради. Аммо томоша шунчаки уларнинг вақтини ўғирлашга эмас, фикрлашга, хулоса қилишга туртки бериши керак. Айниқса, бугун интернет ва ижтимоий тармоқда вақтни беҳуда ўлдирувчи машамшалар кўпайиб кетган бир даврда биз санъаткорлар катта майдонга чиқишимиз зарур. Биз бу майдонни бериб қўйишга ҳақимиз йўқ.



**Баҳодир ОДИЛОВ,**  
“Ўзбекфильм” давлат студияси директори.

— Мен ўзбек кинематографиясининг тамал тошини қўйган Худойберган Девоновни кино соҳасидаги чин жадид деб биламан. Санъатлар ичида энг ёши бўлса ҳам, кино бошқа турларга қараганда анча оммабоп эканлиги барчага маълум. Бугун кино шунчаки томоша эмас, маълум бир давлатларнинг мафкура курули, тарғибот воситаси вазиносини ҳам бажараётгани ҳақиқат. Юртимизда ҳам 2017 йилдан бошлаб миллий кинематографга бўлган эътибор ўзгарди, ёшларга имконият берилди, моддий томонлама рағбат кучайди. Тарихимиз ҳақида, буюк аждодларимиз ҳақида бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинди. Тарихий мавзуда фильм суратга олиш аънараси

деярли унутилаётган эди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан миллий киночиликимиздаги бу кемтик тузилди. Ҳозир юксалиш бошқичида десам, муболага бўлмайди. “Исломуҳуза”, “Авлоний”, “Кўзон шамоли”, “Исоқхон Ибрат”, “Муқимий” каби яқин давримизда яшаб ўтган маърифатпарвар ва жадид болаларимиз ҳаётга бағишланган лавҳалар киноэкранда акс эттирилди. Юртбошимиз кино соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар давом эттирилишини таъкидлаб ўтди. Хусусан, “Тирик тарих” сериясида Ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган 50 та бадиий фильм яратиш бўйича фармон лойиҳаси тайёрланаётгани ва шу асосда тарихий фильмлар яратиш дастури ишлаб чиқилиши ҳам қувонarli воқеа. Кино санъатининг нафақат ижод, балки иқтисодий тармоғи экани, бу икки йўналиш ўзаро уйғун ривожланиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Ёшларимизга аждодларимизнинг ким эканлигини танитиш, уларнинг дунёқарашини маърифатпарвар болаларимизнинг гоёлари билан тўйинтириш учун энг яхши восита бу кино санъатидир. Шундай экан, биз киноижодкорларнинг асосий вазифамиз битта: фақат ва фақат халқимиз учун манфаатли бўлган фильмлар суратга олиш!

— Жадидлардаги ватанпарварлик ҳисси бизга етишмаётгандай. Улар ҳар қандай эзгу ташаббусни миллат манфаати учун амалга оширдилар. Айнан ватанпарварлик, юртга бўлган чинакам муҳаббат туйғуси уларга ҳамisha куч ва тиргак бўлди. Ёшларимизга ватанпарварлик намунаси ўлароқ жадидларни ўрнак қилиб кўрсатиш, уларга бу туйғунинг моҳиятини чуқур англатишда қандай йўлдан боришимиз тўғри бўларкин?



**Ҳасан ХАЛИЛОВ,**  
Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи.

— Жадидлар ҳақида сўз кетаркан, аввало, улар ўз халқининг маънавий ғимоячиси эканлигини эсда тутмоқлик лозим. Чунки юрт қадриятлари, миллат шаъни ғимоясига отланган ҳар бир инсон биринчи навбатда кучли ватанпарвар бўлмоғи шарт. Улардаги мардонаворлик ва шиддат, курашувчанлик ва юксак гоёлар Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари қалбда ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик ҳамда буюк маърифатпарвар болаларимиз сингади садоқат билан хизмат қилиш туйғуларининг мустаҳкамлашишга хизмат қилади. Чунки Ватан ғимояси, ватанпарварлик каби тушунчалар шунчаки чиройли гаплар эмас, балки қон билан, жон билан исбот қилинадиган муқаддас бурчдир. Бу миллат олдидаги масъулиятни ҳар доим, ҳар сония ҳис этиб яшаш демакдир. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу муқаддас мерос юртимизнинг бугунги ғимоячилари қалбдан ҳам собит ўрин олган. Таъкидлаш ўринлики, барча соҳа вакиллари қаторида Мудофаа вазирлиги томонидан ҳам келгусида маърифатпарвар жадид болаларимизнинг маънавий меросини кенгрок ўрганиш, уларнинг жасорати ва қаҳрамонликларини ҳарбий хизматчилар ва ёшларимиз онгига сингдириш борасида бир қанча мақсадли ишларни амалга ошириш тизимли тарзда белгилаб олинди.



# БОЛАМ!



**Кийм НАЗАРОВ,**  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор.

– Президентимизнинг нутқлари “Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак” деб номлангани асло бежиз эмас ва бу мазкур ҳужжатнинг нафақат бугунги кун, балки келажакка йўналгани ҳам аналгадир. Айни пайтда бу, маърузанинг жамиятимизда янги маънавий маконни яратиши, ғоявий баркамол ва рақобатбардош авлодни вояга етказиш стратегиясининг нафақат жорий

йил, балки келгуси йиллардаги фаолият учун ҳам таянч ҳужжатлардан бири сифатидаги аҳамиятини янада оширади. Чунки бугунги кунда мазкур йўналишдаги ишларнинг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, ушбу соҳанинг мақсади ва моҳиятини белгилайдиган тизимли ишлар билан боғлиқ фаолият самардорлигини таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада маънавият соҳасидаги қонун ижодкорлигини янги босқичга кўтариш, миллий ғояни ривожлантириш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ йўналишдаги фаолиятни тизимли ташкил этиш зарур. Қонун ижодкорлиги билан боғлиқ биринчи йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш зарурати шундаки, давлат сиёсати, унинг ҳар бир йўналиши қонунларга таяниши, бу борада ҳам ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкам бўлиши зарурлиги давлатчилик тарихида исботланган аксиомалардан биридир.

## Эркин АЪЗАМ:

– Шукр, юрт тинч, ватан осойишта, бугун оч ажалга кўкрак тутиб жасорат кўрсатмоққа ҳожат йўқ. Бўлмаса, нега мен ниҳоятта бир нобакорга қарши фикрини дадил ёзиб чиққан беш-ўн ватандошимиз номини тутиб бу қадар ҳаяжонга тушяпман? Улар факултодада бир қаҳрамонлик кўрсатгани йўқ-ку? Нима десангиз денг, балодан нари деб ҳамма жон ваҳмида ин-инига кириб кетган, вазиат мавҳум, қалтис бир чоқда чиқиб дангал ҳақиқатни айтган кишини мен унча-мунча қаҳрамондан кам билмайман. Негаки, унинг ҳам ҳаёти куч устида, бу қилмиши учун нималар кутаётганини у ҳали билмайди... Шундай, замон қаҳрамонлик, жасорат каби тушунчаларни ўзгартириб юборди. Бугун тирик виждон билан кун кўрмоқ ҳам ҳазилакам иш эмас. Виждон ҳисси эса зиёлиликнинг бош белгиларидан. Шу “белги” нега бўлмаса неча ўн йиллар мобайнида сукутда, қароқчи бўлиб ётибди? Чунки унинг ўрнини жон ваҳми – кўрқув, замонасозлик, бир парча нон илжини эгаллаган эди. Оқибатда чинакам зиёлилик моҳияти чалқибди, шу даввуда юрганлар об-ҳавога қараб иш кўрадиган кўрқоқ бир мўминтойларга айланиб қолган.

## Назар ЭШОНҚУЛ:

– Жадид боболаримиз барча ишларни миллат, ватан, имон номидан қилишган. Улар ватан ва миллат равнақи учун курашган. Очган мактаблари, газеталари, театрлари фақат бир нарсани – миллатни ғофилликдан кутқариб, тараққиёт сари юз буришини исташган. Бу йўлда барча нарсаларини – молини, жонини, истеоҳодини аяшмаган. Улар учун энг муҳим мақсад – миллатни уйғотиш, тараққиёт элтириш эди. Бу ҳаракат, аксар олимлар таъкидлагандек, фақат Ғаспирали ёки четдан келганлар таъсирида пайдо бўлмаган. Бу ҳаракат XIX асрдаги озодлик ҳаракати мазори устидан ўсиб чиққан.

**– Муҳтарам Президентимиз ўз нутқида “...бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт”, деб алоҳида таъкидладилар. Шундай экан, миллат маънавияти масаласида барча зиёлиларнинг яқдиллиги сув ва ҳаводай зарур. Халқимизда тарбияли, эсли-ҳушли кишилар ҳақида “маънили одам экан”, деган таъриф кўп ишлатилади. Маънавиятли шахс — бу маънили одам дегани. Хўш, маънавият соҳасида қандай ўзгаришларга эҳтиёж бор? Маънили ёшларни тарбиялаш учун нима ишлар қилишимиз керак?**



## Хуршид ДЎСТМУҲАММАД:

– Президентнинг Кенгаш минбаридан янграган нутқида бир-биридан муҳим ва ўта долзарб вазифалар белгилаб берилди. Кўрилган масалалар нафақат маънавият ва маданият фаоллари, адабиёт ва санъат намоёндалари, балки мамлакатимиздаги барча соҳа ва қатлам вакиллари, хусусан, зиёлилар томонидан зўр қизиқиш билан қарши олинди. Ушбу фикрнинг манглик давони ҳақида сўз борар экан, жадидчилик ҳаракатини, жадидона тафаккур тарзини умумхалқ мақсад-маслагига айлантиришнинг бирдан-бир ва ягона чораси – бундан юз йил бурун воқеликка айланган, бироқ бешиқдалик чоғлариданоқ қирғинга учраган, увол бўлган буюк уй-

ғониш силсиласидан муносиб хулосалар чиқаришдир! Сабоқ олмоқликдир!

Бу борада эътиборсиз мавзунинг ўзи йўқ. Зеро, маънавий-маърифий тафаккур тарзини янгилаш, мунтазам такомиллаштириш, шу орқали кишиларимизни, хусусан, ёшларимизни миллий ва умумбашарий ғоялар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган омиллар кўп. Жумладан, мутолаа, санъат ва маданият янгиликларидан бохабарлик муҳимлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Буни қаранг, давлат Раҳбари театр томошасининг аҳамиятига алоҳида урғу бермоқда. Юртимизда “Театр – ибратхонадир”, деган ҳикмат янграганига қарийб 100 йил тўлмоқда. Бир аср кичик мuddатми? Лекин қанчалар жонфидоликда айтилган ўша бир оғиз олтинга тенг жумланинг қиммати, долзарблиги бизнинг замонамизга келиб 100 қарра ошса ошдики, заррача озагани йўқ.

## Кийм НАЗАРОВ:

– Бугунги кунда маънавият соҳасида ҳам қонун ижодкорлигини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг маънавият соҳасидаги сиёсатининг асосларига доир “Маънавият ва маънавий фаолият тўғрисида” қонунини ишлаб чиқиш давримизнинг энг муҳим ва объектив заруратларидан бирига айланган. Айни пайтда, бу борада ушбу қонун давлат сиёсатининг бу жабҳадаги фаолияти, янгиликлари ва хатти-ҳаракатлар стратегиясининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни ҳам ҳисобга олиш даркор. Ўз навбатида, бу яқин келажакда бутун мамлакатимиз фуқароларининг маънавий-маърифий соҳалардаги ҳаёти, фаолияти ва турмуш тарзини ифодалайдиган яхлит ҳужжатлар мажмуи – “Янги Ўзбекистон жамиятининг ахлоқ кодекси”ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўриш лозимлигини далолат беради. Айни пайтда бундай кодекс яратилиши Ўзбекистонда ҳам БМТ томонидан қабул қилинган 5 та ахлоқ кодексига мос равишда фаолият бошланганини аналгадир. Бугунги кунда юз бераётган мурракб геосиёсий ва ғоявий-маърифий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама аналга, радикализм, терроризм, уюшган жиноятчилик, ақидапарастлик, “оммавий маданият”, нарқобизнес каби таҳдидларга қарши самарали кураш олиб бориш ўткир заруратга айланган. Шу билан бирга, аҳоли, айниқса ёшларимизни турли бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш, маънавий баркамол, етук зиёли ва таҳдидбардош авлодни тарбиялаш вазифалари ҳам ниҳоятда долзарб бўлди. Ушбу йўналишда Миллий ғояни ривожлантиришнинг реидеологик концепцияси ва уни амалга оширишга доир Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш зарурати ҳам ана шу объектив эҳтиёж билан белгиланади.

## Ёдгор САЪДИЕВ:

– Маънавият, энг аввало, оилада мавжуд бўлиши керак. Инсон оилада олган тарбиясини кўчада намоён этади. Агар оилада жоҳиллик ҳукм сурса, бола ҳам жоҳил бўлиб улғаяди. Оилада ота-она маънавиятли бўлса, фарзанд ҳам маънили инсон бўлади. “Қуш уясида кўрганни қилади” мақоли бежиз айтилмаган. Ёш авлодни санъатга нисбатан дидли қилиб тарбиялаш лозим. Бугун оммавий маданият хуружи авж олган чоғда дид танқислиги хавфи ортаётгани ачинарли. Санъатнинг қайси соҳасини олмайлик, мунтазам янги ижод маҳсуллари яратилмапти. Лекин ёшларимиз қай савиядаги санъатдан баҳраманд бўлаётганига кўпчилик зиёлилар бифарқ. Дидсизликнинг жабри биздан кейинги авлоднинг бўйнига муҳр бўлиб тушгани ёмон. Инсон илк тарбияни оиладан, кейин мактабдан олади, лекин китоб ва санъат асарлари уни қайтадан тарбиялайди. Зеро, китоблар, фильмлар, спектакллар инсонга ўзини кашф этиш имконини беради. Жадидлар миллатнинг аҳолини ўзига кўзгу қилиб кўрсатиш учун театрлар ташкил қилдилар. Биз бугун жадидларимиз каби ҳар жабҳада халқимизни уйғотиладиган, ёшларимизни ватанпарварликка қорлайдиган, фикр ва онгига таъсир кўрсатадиган яхши асарлар яратилишимиз лозим.

## Назар ЭШОНҚУЛ:

– Жадидлар илм-фан – миллатнинг қудратига айланса у миллатни энгиб бўлмаслигини аналгадир. Агар илм-фан бугун миллатимизнинг қудратига айланса, бизни ҳеч қайси куч энга олмайди. “Бахтсиз қувъ”, “Падаркуш” ва бошқа бадиий жиҳатдан анча содда бўлган пьесалар ва адабий асарларда, мақолаларда биз шунга гувоҳ бўламиз. “Падаркуш”ни эсланг. Ўқимаган, ғофилликдан қутулмаган бола ўзининг ғофил бўлишига сабабчи бўлган ўз отасини ўлдириб қўяди. Ғофиллик, нодронлик – бу миллатни ўлдириш билан баравар иллат. Нодонлик бор жойда – миллат кўкармайди. У ўз ўтмишининг ҳам, илдинининг ҳам, аслиятининг ҳам кушандасига айланади. Ёки “Бахтсиз қувъ”ни олинг. Миллатнинг нодонлиги икки ёшни ўлдиради. Демак, ғофиллик ва нодонлик миллат келажакнинг ҳам кушандаси. Оддий воқеалардан ана шундай ҳикматана хулосалар чиқаришган. Шунинг учун ҳам миллат тараққиёт этиши учун энг аввало ўзининг нодонлигидан қутулиши керак. Уни нодонликдан фақат замонавий илм-фан қутқаради. Маърифат қутқаради.

## Баҳодир ОДИЛОВ:

– Муҳтарам Президентимиз нутқларида бугунги кунда дунё медиа оламида теле ва кино сериаллар жадал ривожланиб бораётгани, дастлаб кўнгилочар ва маиший мавзуларда пайдо бўлган сериаллар бугунги кунга келиб, турли давлат ва миллатларнинг муайян мақсадларини тарғиб этиш воситасига айланаётгани ҳақида кўпчилик гапирдилар. Дарҳақиқат, халқимиз телевизорни энг кўп кўрадиган “прайм-тайм” вақтида хорижий сериалларга катта ўрин бераётганимиз оғрикли масала. Албатта, миллий сериаллар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этиш, бу йўналишда ижодкорларимизни қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди. Лекин савияли миллий сериаллар яратиш учун фақат киноижодкорларнинг ўзи камлик қилади. Яхши ғоя ва асарларга яхши сериалларга айланиши мумкин. Шундай экан, маданият ва санъат вакиллари, у хоҳ киноижодкор бўлсин, хоҳ ёзувчи, хоҳ rassom – барча ижодкорлар ўртасида мунтазам ҳамкорлик механизмларини шакллантириш лозим деб биламан.

**– Жадидлар маънавий таназзулдан чиқиш учун жуда унумли концепция танлаган эдилар. Концепция амалга кўчди: замонавий мактаблар, газетая журнал очишди, театр очишди, чет тилидан таржималар қилина бошланди. Маънавий таназзул жамиятни жоҳиллаштиради. Бунинг тарих исботлади. Жоҳил одамлар эса нафсдан ўзга йўлни кўрмайдилар. Бугун, орадан 100 йил ўтиб шу концепция янги шаклда биз учун жуда зарурлиги ойдинлашди. Жадидлар биз учун “йўл харитаси” чизиб беришган. Аммо бир аср аввалги “йўл харитаси”нинг янги формасини топиш муҳим. Санъат, адабиёт ва илм-фан шу форма билан янги бир босқичга чиқади.**

**Бугун жадидлар концепциясининг янги формасини топа оламизми?**



## Ҳасан ХАЛИЛОВ:

– Келинг, бу саволга жавоб ўрнида, ўзим фаолият олиб борадиган Мудофаа вазирлиги тизимида қилинажак ишлар ҳақида маълумот берсам. 2024 йилдан бошлаб ҳар йили вазирлик тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари ўртасида “Жадидлар” тарихига оид Республика Олимпиадасини ташкил этиш; тарихчи-олимлар ва таниқли ижодкорлар билан ҳамкорликда “Жадидлар – миллат фидойилари” мавзусида вазирлик кўшнларидан 3 босқичли танловларни ўтказишни йўлга қўйиш; Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда бошқа тарихчи олимларнинг бевосита ёрдамида Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм ва олий ҳарбий таълим муассасаларида “Жадидлар қаҳрамонлиги” номли тематик синфларни ташкил этиш каби тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, вазирлик ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти томонидан ҳарбий элзамадчиларимиз кундалик фаолиятида ўрганиши учун оддий ва содда равишда ёзилган чўнтак китобчаларини Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Жамоатчилик кенгаши таркибидан бўлган ёзувчи ва шoirлар, олимлар билан ҳамкорликда тайёрланиб, кўшнларга тарқатилиши йўлга қўйилади. Бу каби амалий ишлар самараси, биринчи навбатда, ҳарбий хизматчиларимиз ва ёшларимиз онгига буюк маърифатпарвар боболаримизга нисбатан ифтихор ҳиссини шакллантиришга кўмак берса, иккинчидан, уларнинг бой меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, муҳим хулосаларга эга бўлишда асосий роль ўйнаши шубҳасиз.

## Эркин АЪЗАМ:

– Яқинда мен тарихий ҳужжатлар асосида жадидлар ҳаётини ҳикоя қилган каттагон бир асар кўлҳамасини ўқиб, ҳайратга тушдим; йўқ, кенчаки кечмишларимизни сира билмас эканмиз... Деярли барининг касб-кори бор, деярли барчаси ўзига тўқ, давлатманд. Айшини суриб юраверса, биров бир нима демайди. Аммо улар тинч туролмайди, бор мол-мулкни тикиб, миллат қайғуси билан яшайди — эл маърифати,

## Хуршид ДЎСТМУҲАММАД:

– “Агар ҳозир, – деди Президент, – “Қани, охириги бир ойда қайси театрга бордингиз, қандай янги китоб ўқидингиз?” деб сўрасам, ўйлайманки, аксарият раҳбарлар хижолат бўлиб қолиши мумкин”. Мен ҳеч иккиланмай, бу сўзларни биз зиёлиларга, қолаверса, ватандошларимиз, миллатдошларимизга қаратилган аччиқ итдао, танбөҳ ўрнида қабул қилган бўлур эдим. Уйлаб кўрайлик, театрга бориш куруқ томоша эмас, шунчаки вақтни ўтказиш эмас, балки театрга бориш – оилавий, жамоатвий байрам, ўзгача кайфият, ўзгача руҳият демакдир. Театр муҳлиси бамисоли сахнада кечаётган воқеалар иштирокчисига айланади, ўша мавзу-ўша ҳолатлар иштирокчисига сифатида ҳаётга ўзгача мулоҳазакорлик билан ёндашишга ҳаракат қилади. Бир оила даврасида бир театр спектаклини томоша қилиш ва уни муҳокама қилиш, ишонинг, фарзандларимизнинг бир умр ёдида қолади. Театр ўғил-қизларимизнинг динини ўстиради, ҳаётини масалаларга мулоҳазакорлик билан ёндашишга кўниктиради. Инсон сифатида янгилайди. Янгилинишга мойил инсонгина бошқалардан ўн қадам олдинда боришига ва одамларни, жамиятимизни ўзгариштиришга қобил ҳисобланади.

## Муножот ЙЎЛЧИЕВА:

– Санъат эстетикасини ҳамма ҳар хил қабул қилади. Аммо санъат маҳсулотини товар сифатида биладиган миждознинг қийматида қараб қўриши фойдадан холи эмас. Табиийликдан холи ижод маҳсулини санъат деб билиш эстетик дид даражасига боғлиқ. Санъат саройига одамлар кўпчилик санъаткорнинг сумбатини кўриш учун фалон пул сарфлаб қиришади. Концерт афишасига “жонли ижро” деган ёзув кистирилмаган бўлса ҳам барибор кираверишади. Қўшиқлар сифати, хориждан “таржима” оқанлиги кейинги масала. Лекин санъатнинг қадри икки томон учун ҳам сариқ чақага олинмаслиги оғрикли. Президентимиз ташаббуслари билан ўтказилган Хал-

қаро мақом фестивалларида халқимиз чет эллик ижрочиларнинг миллий қўшиқларини берилиб тинглаганига ўзим гувоҳман. Бирор киши томоша жойидан эрта чиқиш ҳақида ўйламаган. Чунки у ерда тирик санъат бор, тирик ижро бор. Шу жиҳатдан мақом фестиваллари халқ сайлига айланиб кетди. Фонограммада ижро этиладиган қўшиқлар томошабин кўзини алдайди-ган сароб, шунчаки, усти ялтироқ ичи қалтироқ. Бу “санъат” билан дунё оммазининг эътиборини тортиш мумкин эмас... Муҳтарам Президентимизнинг мақом санъатида бўлган юксак эътибори бу соҳага қайта жон бағишляпти. Ёшларимизни мақомга, миллий мусиқа санъатида ошно қилишимиз керак. Миллатнинг ўз тарихий илдинларини унутиб қўйишга ҳаққи йўқ.

## Назар ЭШОНҚУЛ:

– Жадидлар илгари сурган ғоялар ҳақида ўйлаганимизда, баъзан миллат табияти ва нодонлиги юз йил аввалгидан жуда кам фарқ қиладиганга ўхшаб туюлади. Бугун ҳам болаларини замонавий илм-фанга эмас, пул санашга ўргатаётганлар йўқми? Ёки сиёсий мустақил бўлганимиз билан биз ишлаб чиқаришда, иқтисодда, илм-фанда, технологияларда ҳамон четдагиларга қарам эмасмизми, биз ишлаб чиқарувчи, фикр ва ғоя берувчи эмас, илм-фанни яшаш тарзинимизга айлантирган миллат эмас, шунчаки истеоҳолчи миллат бўлиб қолмаймизми? Мабодо, фақат истеоҳолчи эканми, унда биз жадидлар орзу қилган миқёсдаги тўлақонли мустақил ҳам эмасмиз. Шу сабабли жадидлар кўтарган Маърифатли миллат ҳали ҳам кун тартибидан турибди. Фақат маърифатли, илм-фан билан тўйинган, уни ҳаётга татбиқ этган, дунёга илм-фан ютуқларини тақдир қилган, истеоҳолчи билан ишлаб чиқарувчи, фикр оловчидан, фикр берувчи, ғояларга мутелиқдан ўзи ғоя берувчига айланган миллатгина том маънодаги мустақил миллат саналади. Жадидчиликка, умуман, Учинчи Ренессансга бўлган ички эҳтиёжimiz ортида ҳам аслида шу истак ётади. Шу сабабли ҳам мамлакат Раҳбарининг жадидчилик ғояларини бугунги тарғиботга, унинг моҳиятига қайта-қайта эътибор қўлаётгани, қайта-қайта кун тартибига кўяётгани бежиз эмас. Бу эътибор, бу хоҳишлар тағида миллат равнақи, Ватан тараққиёти масаласи турибди.

Олимжон ДАВЛАТОВ

суҳбатлашди.



### МУАММО

**Худди кечагидек ёдимда. Тошкентнинг Эски шаҳаридаги тор кўчалардан бирида яшардик. Зиёлилар оиласи бўлса ҳам хонадонимиз жиҳозлари у қадар бой эмасди. Ҳама пайтлар қулоғимизга қўшнимиз телевизор сотиб олгани ҳақидаги гап-сўзлар чалиниб қолди.**

Бола эмасми, жуда қизиқдик. Бир кун қўшнимиз оиламиз билан телевизор томоша қилишга чақирди. Ҳамадан укам иккимиз қанчалар ҳаяжонланиб, хайратга тушганимиз ҳозиргидек эсимда... бугун эса невараларимни унча-мунча янгилик билан хайратга солиб бўлмади. Улар техниканинг ичига шу қадар шўнғиб кетишганки, истаган телефон, смартфон, компьютер деганларини бир зумда “ўзлариники” қилиб олишади.

Ҳа, бугун фарзандларимиз учун ҳеч қандай ахборот танқислиги сезилмайди. Улар ҳар қандай русумдаги телефон ва компьютер билан бир зумда тиллашиб олади. Ҳатто энди атак-чечак қила бошлаган болакай ҳам телефонни “танийди”. Ҳўш, бундай ҳолат яхшим-ёмонми?

Бугунги кунда ҳаётимизни смартфонсиз тасаввур қилиш қийин. Аммо бола телефонга боғланиб қолмаслиги учун ундан қандай қилиб оқилонга фойдаланишни катталар ўргатиши керак.

Бола мактабда ярим кун, баъзан эса ундан ҳам кўп вақтини ўтказди. Ота-она учун бу фурсатда боланинг ҳавфсизлиги, дарслар тугагач эса кечикмай уйга келиши муҳим. Мактабда телефон керакми? Бир томондан, бола дарс пайтида телефондан лўғат ёки электрон китобдан фойдаланиши мумкин.


Менинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандларим биз билан боғланиб туриши учун мактабга сим карталар GPS-соат таъиб кетади. Уларнинг смартфонлари бор, лекин ҳали мактабга олиб боришига рўхсат беришмайман, ундан фақат уйда фойдаланишди.

Кичик ёшдаги болалар ўзларининг вақт ва истақларини назорат қила олмайдилар, шу сабабли уларни ота-онани назорат қилиши керак бўлади. Хайратки, бунинг учун жуда кўп воситалар мавжуд. Масалан, ҳозирда махсус дастурлар боланинг телефонда ўтказадиган вақтини чегаралаш, маълум уйин ва дастурлар учун алоҳида чекловлар ўрнатиш, куннинг маълум қисми учун телефон имкониятларини қисқартиришда ёрдам беради.

**Сўхроб ФАЙЗ,**  
Тошкент шаҳри

даги фарзандларимизни бу балодан қандай муҳофаза қиламиз? Умуман, муҳофаза қила оламизми?! Жуда мураккаб вазият. Бугун бу вазият нафақат бизни, балки бутун дунё аҳлини уйлантираётгани сир эмас. Албатта, ҳар бир давлат ўз дунёқароши, тафаккур доирасидан келиб чиқиб мавжуд вазиятга муносабат билдиради. Масалан, айна пайтда

Бельгия ва Буюк Британияда бу борада тақиқлаш масаласи ҳар бир мактабнинг кузатиш ва васийлик кенгашлири қарори асосида қабул қилинади. Хитойда эса ўқитувчилар ота-онанинг ёзма розилигисиз мактабга телефон олиб кириши тақиқланади. Жанубий Корея мактабларида мобил алоқа восита-



# ТЕЛЕФОН

## БАЛО ЭМАС, БАЛОГАРДОНГА АЙЛАНСИН!

Шубҳасиз, бугун телефон нафақат катталар, балки болалар учун ҳам сув ва ҳаводек зарур матоҳга айланди. Истаган одам билан гаплашиш, истаган маълумотни олиш, ҳатто фильмлару суратларни томоша қилиш мумкин. Энг ёмони, ана шу истаган нарсани топиш мумкинлигида. Чунки катталар кўл телефондан фойдаланишда яхшими ёмондан, зарурни назоратдан бемалол фарқлай оладилар, яъни ўзлари учун муҳимини танлайдилар. Фарзандларимиз-чи? Бугунги кунда энг оғриқли жойимиз, асосий ҳадигимиз шу. Чунки нафақат оилалардаги катталарда, балки боғча ёшидаги болаларда ҳам телефону планшетлар бор. Ва улар бу қурималардан бемалол фойдаланадилар. Яъни телефонда яхшими ёмон маълумотлар, маза-бемаза фильмлар, клиплар, кўнгул-очар томошаларни кўришга имкониятлари бор. Демак, бугун телефон нафақат қулайлик манбаи, балки тарбияга салбий таъсир кўрсатувчи, бола психикасининг бузилишига сабаб бўлувчи асосий воситага ҳам айланиб қолди. Шубҳасиз, бу ота-оналарни, жамоатчиликни ташвишга солувчи ҳолат. Ана шу ҳолатда биз мактабда ўқийдиган ва мактаб ёши-

Бангладешда мактаб ва коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларининг мобил телефондан фойдаланишлари тақиқланган. Австралия, Викториа, Тасмания худудларида, Франция, Испания, Чехия каби давлатларда болаларнинг мобил телефондан фойдаланишларига чекловлар қўйилган.

*Таълим мажбурий бўлган, тарбия ҳам мажбурий бўлиши керак. Чўнтагида кўлтеелефон билан дарсга кирган боланинг ёнида бамисли шайтон ўтирган бўлади. Ўқувчининг диққати бўлинадди, хаёли қочади, бу ҳолат, албатта, унинг ўзлаштиришини йўққа чиқаради.*

*Бир коса асални битта пашша макруҳ қилганидай, минг йиллик одоб-ахлоқ аънаналарини битта шу телефон бузапти.*

*Ўқитувчини менсимаслик, масҳаралаш, ўзаро бёмани ҳазиллар қилиш билан вақт ўтказган “тоғлиб илм” эртага қандай қилиб юксак маънавиятли бўлиши мумкин? Бу балони қатъий жилавлаш шарт!*

**Мухаммаджон ИБРАГИМОВ,**  
Олтириқ туманидаги 43 мактаб  
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ларидан фойдаланиш қатъиян ман этилган.

Қўшни давлатлар – Қозоғистон ва Тожикистонда ҳам ўқувчи ва талабалар мактаб, касб-хунар, ўрта таълим муассасаларида мобил телефон, пейжер, пленер, планшет, смартфон, iPad, iPod моделлардан фойдаланишларига рўхсат йўқ.

Ҳўш, бундай тақиқларнинг фойдаси борми? Бу масалада турли қарашлар бор. Чунки тақиқлар баҳс-мунозараларни келтириб чиқармоқда. Лекин, шуниси аниқки, тақиқ қўйилган жойларда таълим сифатида ўсиш кузатилмоқда. Шу ўринда, юртимизда бу борада қандай йўл тутиш маъқул, деган масала кўндаланг тургани рост гап. Бизнингча, айна масалада тарбия ва таълимда қандай ақидаларга суяниб иш кўриш асосий омил бўлиши лозим. Зеро, фарзанднинг ахлоқли, мустақкам билимли, эътиқодли инсон бўлиб етишишини истаган ҳар бир одам бугун биз тилга олган масалани жиддий ўйлаб кўриши зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Гулчехра УМАРОВА**

# НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ УНУТМАНГ!

**Бугунги кунда мобил алоқа воситалари ҳаётимизга чуқур кириб келди. Деярли ҳар бир ўқувчи ўғил-қизларнинг қўлида смартфон борлигини кўришимиз мумкин. Унинг ёрдамида болакайлар атроф-муҳит билан алоқанда бўлиб, ота-онаси билан гаплашадилар ва бўш вақтини у билан ўтказадилар.**

Бироқ, шундай салбий ҳолат ҳам юзага келяптики, ўсмирлар мавжуд имкониятларни суистеъмол қилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Мактабларда, айниқса, дарс вақтида телефондан фойдаланиш ўқитувчилар ва умуман, таълим муассасаси маъмурияти томонидан маъқулланмайди. Замонавий таълим тизимига кўра, мактаб ўқувчиларининг телефон билан тинимсиз алоқанда бўлиши номақбул ҳисобланади. Айна шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатларда мактабда телефондан фойдаланишни чеклашни назарда тутувчи қондалар жорий қилинган.

Фикримизча, бизда ҳам мактаб ўқувчиларининг дарс пайтида мобил телефондан фойдаланиши борасида муайян чекловларни кириштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай тартиб ўрнатилса, дарс жараёнида болаларнинг диққатини бир ерга жамлаб, синфда берилаётган ўқув-тарбиявий материални ўзлаштириши имкони ортади. Қолаверса, мобил алоқа воситалари аксарият ҳолларда кичик экран ўлчамига эга бўлиб, бу ҳол визуал зўриқишига сабаб бўлиб, инсоннинг қоматини тик тутишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Юқоридаги тартиб орқали ана шу зарарли таъсирнинг олдини олиш ҳам мумкин. Мактаб ўқувчилари турли русумдаги телефонлардан фойдаланиши ҳам сир эмас. Уларнинг нархи ва салмоғига қараб, болалар ўртасида кескин табақаланиш каби салбий ҳолат юзага келишининг олди олинадилар. Бир сўз билан айтганда ўқиш вақтида мобил телефондан фойдаланмаслик ёшларда ўзининг устидани кунт билан ишлаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради.

Бу масала юзасидан ота-оналар ўртасида тушундириш ишларини олиб бориш жуда муҳимдир. Зеро, юртимиздаги ҳар бир таълим ташкилоти бир вақтнинг ўзида тарбия маскани саналади.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**

*Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати*

\*\*\*

**Яқинда хотинимга телефон олиш учун бозорга тушдим. Ишлатилган бўлса ҳам тузукроқ, муҳими арзонроғини изладим. Биттаси маъқул бўлди, сотиб олдим. Уйга келиб, ишлатиб кўрай, деб ўзимни сим картамни солдим. Қизиғи, телефонда собиқ эгасига тегишли ҳамма маълумотлар шундоқ турибди, ўчирилмаган, тозаланмаган.**

Сотувчининг айтишича, коллежда ўқийдиган қишлоқ қизи эмиш. Қизча, гўрлиги сабаб, ўзининг расмларию маълумотларни ўчириб ташлашга ақли етмаган, шекилли. Телефон хотирасини “тозаладим” ва унга ўзимнинг аккаунтимни жойладим. Ачинарли жойи, интернет нуқтаси ёниши билан ҳар хил бешарм сайтлардан реклама ва хабарлар кела бошлади. Уятдан ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Шошганча “Chrome” қидирув ва қўрилган сайтлар тарихига кирдим ва беихтиёр астағируллох, деб юбордим! Саноксиз беҳаё сайтлар кетма-кетлигидан лол қолиб, қўлларим қалтирарди. Шошиб ўчиришга тушдим, бу анча вақтимни олди. Ҳа, кимнингдир арзандаси, маъсумаси, қайсидир хонадоннинг бўлажак келини, бўлажак бир она ҳақида ёмон гумонда бўлмастлиққа уриндим...

Эртага менинг фарзандларим, айниқса, қизларим ҳам балоғатга етади, ҳамма қатори уларнинг ҳам қўлида телефон бўлишини ўйлаб, хавотирга тушдим.

Азиз ота-оналар, фарзандингиз хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, уни қаттиқ назорат қилишни унутманг!

**Ақбарали МИРЗАЕВ,**

*Тошкент вилояти*

### МУЛОҲАЗА

“Жадид” газетаси чоп этилиши ҳақидаги хабарларга кўзим тушганда, буни замона зайли билан очилаётган янги нашрлардан бири бўлса керак, деб ўйлагандим, нашрнинг номи Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби жадид боболаримизнинг дунёга келиши ҳақидаги мулоҳазаларга беришимга сабаб бўлганди.

Янги 2024 йили эшитган хушхабарлардан энг яхшиси “Жадид” газетасининг илк сони нашр этилгани ва унга боғлиқ маълумотларнинг оидинлашгани бўлди. Янги газета мустақкам пойдевор – салкам етмиш йилдан бери қадрдон нашримиз бўлиб келган “Ўзбекистон

маданияти”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси ва унинг истёьодли ижодий жамоаси асосида тузилгани янада таҳсинга сазовор. Газетанинг беш забардаст ҳомийларини беш бармоқнинг бирлашиб, муштумга айланиши ҳам аънавийлик бор. Яна хаё-

лимга Абдулла Қодирий ва улуғ адбимиз асосчиларидан бири бўлган “Муштум” журнали келди.

Юртимизда жадидчилик ҳаракати пайдо бўлиши, улар орасидан Туркистон ўлкасининг ижтимоий ва маданий ҳаётида атоқли ар-



# НОМ ЯХШИМИ, НОН?...

боблар етишиб чиқишида вақтли матбуотнинг ўрни катта бўлгани тарихий ҳақиқат. Газета жамоавий ташкилотчи ҳамдир. Ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлган “Ойна”, “Ер юзи”, “Туркистон” каби ўнлаб маҳаллий нашрлар мудраган Туркистонда янги романлар, қиссалар ёзилиши, сахна асарлари, истиқлол шеъривияти дунёга келишига туртки бўлди. Бундай нашрлар бўлмаганида на “Ўткан кунлар”, на “Кеча ва кундуз” ёзилар, ўлка шоирлари “қошинг, кўзинг”дан иборат газаллар ёзиб юраверган бўлармиди...

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” номи “Жадид”га ўзгаргани ижтимоий тармоқларда анча шов-шув кўзгади ва бу кутилмаган ҳолат эмас. Айрим илҳомларга кўра, “ЎзАС”-ни сақлаб қолиш керак бўлган ва “Жадид” алоҳида чиқарилиши кераклиги, “ЎзАС” билан жуда кўплаб хотиралар боғлиқ экани айтилган. “Етти юлдуз бирлашиб, битта ойча бўлолмас”, деганлари каби адади мингталар атрофидаги ўнта газетадан кўра битта – ўн беш мингдан зиёд тиражли газета яхши эмасми? “Жадид”нинг босма ҳажми ҳам катта экан. Турли газеталарда сочилиб ётган яхши мақолалар, асарларни бир нашрдан топиш ҳам ўнгайроқ.

“Жадид”гача чиққан газетанинг иккала номи – “Ўзбекистон маданияти” ва “Ўзбекистон

адабиёти ва санъати” ўйиб кетмайдилар, газетанинг чиқиш маълумотлари жойида эслатилиб турилади. Шу пайтгача бир нашрнинг замона зайлига кўра номлари ўзгариб турганига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Газета номи ҳам одам ишмига кўра айтилиши осонроқ бўлиши тарафдориман. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” номи қисқача “ЎзАС” деб юрардик. Энди қисқача “Жадид” деймиз.

Гап номда эмас, “нон”да – мазмун ва моҳиятда.

“Жадид” газетаси сиз ҳам, каюб куймайдиган олтин оралиқни тутиб, ўқишга мақолалар, ўқир публицистика, адабий танқид, пишиқ-пухта адабий асарлар чоп қилса ва энг муҳими – муаллифларни моддий рағбатлантириб, қалам ҳақи тўлашни йўлга қўйса, нур устига нур бўларди. Ана шунда ижодий рақобат майдони юзага келарди ва бу газетанинг фаол муаллифи бўлиш шарафи учун ҳаракат ўз-ўзидан бошланиб кетарди.

Миллатимиз жадид боболарини эслаганда уларга ҳомийлик қилган маҳаллий тadbirkorлар номини ҳам ёдга олиши керак ва бу борада янги нашримизнинг режалари бўлса керак.

Ҳаммамизга янги “Жадид”ли йил муборак бўлсин!

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ**



# МИЛЛИЙ АРМИЯ

## ёхуд жадинларнинг ушалган орзуси



**Ўзбекистон армияси 32 ёшга тўляпти. Бир йилгит вояга етиб, куч-қувватга тўладиган муддат. Шунга ҳамоҳанг айтиш мумкин: бугун Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қадди, қудрати баланд. Давлатимиз раҳбарининг фикри билан айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди.**

Ҳарбий журналист бўлганим учун кўпинча менга "Ўзбекистон армиясининг қудрати нимада?" дея савол беришади. "Кечаётган янгиланишлар, ўзгаришлар, ислохотларга, уларнинг самарасига қарангиз яққол сезасиз: қудрат – армия ва халқнинг бирдамлигида" қабилда жавоб берман. Армия халқдан, халқ армиядан куч оляпти. Мана шу маънавий қудрат аслида бизнинг улкан бойлигимиз. Ҳар қандай ёвуз кучлардан ишончли ҳимоя

кўп-кўп мулоҳаза қилиш мумкин. Мақолада яқин тарихдан мисол келтирмоқчимиз. Аниқроғи, жадид боболардан. Жадидлар миллатни уйғотиш, Ватан озодлиги, истиқлол учун маориф, тил, адабиёт ва бошқа муҳим масалалар билан бир қаторда аскарлик муаммосини ҳам матбуотга олиб чиқишган. Нега? Сабаби кундай равшан. Негаки, чор Россияси мустамлакачилари, ундан сўнгра совет ҳукумати Туркистонда авж олган

дарё, Еттисув вилоятларида 4922 марта чор ҳукуматига қарши кўтарилган бундай кўзғолонлар ҳақида маълумот келтирилди. Бу йилга урчага 270 та кўзғолон деганидир. Масалан, биргина 1917 йилда, тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, халқ Фарғонада 324 мартаба, Ҳазорбўйида 171, Самарқандда 47, Еттисувда 5 мартаба мустабиларга қарши исён кўтаради. Халқнинг бундай норозилик-ини, озодлик йўлидаги ҳаракатларини

мати томонидан аҳолининг топталаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, истиқболда турли кунларга эришиш учун армия тузиш зарурилигини тилга олади.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг "Меҳнат-кашлар товуши" газетаси 1918 йил, 2 август сониде эълон қилинган "Галла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия" номи мақоласида келтирилишича, муаллиф 1918 йилнинг 16 июлида Тошкентга боради ва Туркистон ҳукуматининг раиси Тобулиннинг қабулига киради. Амалдор билан миллатнинг ўша пайтдаги энг оғриқли муаммолари бўлган галла, аскар олиш, тазминоти ҳарбия, ер ва сув масаласида суҳбатлашади. Гарчи тилга олинаётган мазкур масалаларда Туркистонда кўшин тузиш муаммоси бевосита кўзга ташланмаса-да, мустамлака зулми остида яшаётган маҳаллий халқнинг дарди, ташвиши акс этади. Миллат дардларига дармон бўлмақни устувор бир вазифа деб билган маърифатпарвар бобомизнинг топталаётган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоячиси сифатидаги ижтимоий фаол позицияси кўз олдимизга келади. Бехбудий шўро амалдорининг қабулида бир соатдан кўпроқ вақт давомида тилга олинган муаммолар Туркистонда тинчлик, осойишталик урнатилишида қанчалар долзарб эканлигини тушунтиришга уради.

Ҳукумат раиси Тобулин ўртага ташланган тўртта масала бўйича билдирилган таклифларни ёзиб олиб, яхши ваъдалар беради. Мақолада бу ҳақда шундай фикрлар бор: "Галла иши сиезидида бўлур, деди. Самарқандда аскарнинг кўнгилли равишда олинишига ва янгидин тазминот олинмаслиги ва ҳам ер тақсимини мавқуф қолишига фикри бирлигини сўйлади. Бу ва тўғрида тадбирлар кўрага ваъда этди".

Нуфузли амалдор Бехбудийга берган ваъдасининг устидан чиқдим, йўқми, бизда узил-кесил хулоса қилишга асос йўқ. Бироқ совет ҳокимияти айрим масъул шахсларнинг ўз вазифасини суистеъмол қилиши оқибаотида Туркистонда миллий озодлик ҳаракати авж олгани тарихдан маълум. Масалан, бу ҳақда муаллиф С.Шур қизил армиянинг "Пролетарский мысл" газетасидаги "Корни басмачество" ва "Красная казарма" нашридаги "Борьба за красной Туркестан" номи мақолаларида асослаб келтиради.

Шўро ҳукуматининг сиесати алдов, хиёнат асосига қурилганини ўз вақтида англаб етган жадидлар том маънода озодлик ва эркин кўлга киритиш учун бошқа муҳим масалалар қатори Туркистонда миллий ҳарбий қўшинларга кучли элтиб берилганини шу сабабли матбуотга олиб чиқишда ҳамда бу масала жиддий муҳокамаларга сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда, мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилган кун жадид маърифатпарварларнинг энг катта орзуларидан бири ушалган тарихий сана сифатида ҳам катта аҳамиятнинг таъминотида бўлган ҳарбий қўшинларнинг таъминоти таъминлаш бора-сида олиб борилаётган ислохотлар ватанпарвар аждодларимизнинг қарашлари билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

**Алижон САФАРОВ,**  
ҳарбий журналист



қиладиган қалқонимиз. Ўзининг буюқ тарихига ва аждодларига муносиб халқимиз мамлакат хавфсизлигини ишончли таъминлай оладиган миллий армияни ярата олди.

Буюқ тарих ва аждодлар... Боболар қандай армияни орзу қилишган? Бу ҳақда

исёнлар, кўзғолонлар, миллий озодлик ҳаракатларини бостириш мақсадида айнан ўзимизда ҳарбий кадрлар тайёрлашга зўр беришиди.

Пётр Галузининг "Туркистон – колония" китобида 1899-1917 йиллар орасида Фарғона, Самарқанд, Ҳазорбўйи, Сир-

қурол кучи, армия қудрати билан бостириш мақсадида мустамлакачилар ўз навбатида 1900 йилда Тошкент кадетлар корпусини, 1915 йил прапоршиқлар мактабини очди ҳамда Туркистонда ҳарбий мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берди. Ҳокимият шўролар кўлига ўтган, 1918 йилда Туркистон совет кўмондонлиги курслари ташкил этилди.

Туркистондаги тузум большевиклар кўлига ўтганидан кейин ҳам маҳаллий миллат вакиллари ҳуқуқларига эътибор берилмади. Зулм, ҳақсизлик, адолатсизлик давом этди. Шу сабабли кўшин тузиш, ўз армиямизга эга бўлиш масаласини жадидлар матбуот орқали олиб чиқа бошлади. Хусусан, "Хуррият", "Иштирокион", "Туркистон", "Зарафшон", "Меҳнаткашлар товуши" каби газеталарда жадидларнинг шу мавзудаги қатор мақолалари чоп этилади. Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидов, Ҳожии Муин каби жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндалари ўз чиқишларида Ватан ва хуррият учун армия зарур эканлиги билан боғлиқ фикрларини дадил ифода этади. Аниқ мисолларга юзланасан.

Абдурауф Фитрат ўз мақоласида Мухториятни сақламоқ учун куч қўшин тузиш ҳаёт-мамот масаласи эканлигига эътибор қаратади.

Фитрат бобомиз айтган куч, қудрат масаласини Ҳожии Муин янада кескин кўяди: "Ҳозирги вазифаимизга қараганда бизга энг аввал, аскар керақдир. Чунки ҳозирги дохилий шўриш ва инқилоб ҳорижий душманларнинг таъминотида ортоқ бизга қарши хатарли бир ҳолга айланмақдурки, бу шўришдан ватан ва хурриятни кутқариб олмақ учун аскарий зўр бир қувватга молаик бўлмағимиз мутлақ лозимдир".

Абдулла Қодирий ҳам бир мақоласида том маънода озод ва эркин бўлиш, чор Россияси, ундан сўнгра шўро ҳуку-

МАКТУБ

## ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ ҲАРАКАТ

Буюқ Ипак йўлининг қалбида жойлашган Ўзбекистон бугун халқаро майдонда оламшумул ташаббусларни илгари сурмоқда. Иқтисодий ва сиесий юксалишлар сабабли бу ўлкада фикр эркинлиги билан боғлиқ жараёнлар ҳам юз бермоқда. Баҳс этаётганимиз фикрий янгилар ани кунларда ҳам узлуксиз давом этмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда давлат раҳбари вазифасига келиши билан Ўзбекистон сиебат, иқтисод, ташки сиебат соҳаларида янгича ривожланиш йўлига кирди. Бу даврда амалга оширилган янгиланишларнинг барчаси "Янги Ўзбекистон стратегияси"да яққол акс этган. Янги Ўзбекистон фикрий ва амалий ҳаракатларини ҳам мустақкам асослар устида иншо қилишда давом этмоқда. Аслида бу фикрлар фақат Янги Ўзбекистон ривожи билан боғлиқ эмас, балки илдишлари минг йилларга бориб туташадиган тарихига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон бошқаруvinинг барча йўналишларида давом этаётган юксалишлар тезлигини бир лаҳза ҳам камайтирмай, 2024 йилга "Jadid" номли газета билан кириб келди. Мазкур янги газета ўз номини XIX асрнинг охири ва XX асрнинг илк чорагиде Қрим, Бухоро, Қозон каби марказлар пешқадамлигида туркий ва қардош халқлар ичиде пайдо бўлган илмий, фикрий, маърифий ва ижтимоий оқим бўлган жадидчилик ҳаракати номидан олмақда. Шу боис, Исмоил Гаспиринскийнинг "Тилда, фикрда, ишда бирлик" деган даъваткор сўзлари ушбу газетанинг шиори этиб белгиланганлиги аниқ мустақкамдир.

Барокатли фикрий ниҳолларга бой бу тупроқлар IX ва XII асрлар орасида юзага чиққан биринчи, XIV ва XVI асрларда яшанган иккинчи фикрий ва илмий инқилоблардан кейинги XXI асрнинг биринчи чорагиде янги бир Ренессансининг эшикларини очди. "Jadid" газетаси Ўзбекистонда юз очаётган янги уйғониш даврининг олдинги сафларида бўлишига ишонамиз.

**Доктор Аҳмет АКАЛИН,**  
Туркия


Янги йилда чоп этила бошлаган "Jadid" газетаси билан барча тараққийпарвар муштарийларни чин юракдан култайман.

Жадидлар демократия ва тенглик гоёсини олға сурган илғор миллат фидойилари эди. Бугун Ўзбекистонда кенг кўламда ислохотлар илм-фан, маданиятни ривожлантириш асосида олиб борилаётгани ҳам жадидлар мақсадига ҳамоҳангдир.

Утган йил охирида Тошкент шаҳрида ўтказилган жадидлар меросига бағишланган халқаро конференцияда қатнашган чоғида мен ўзбек халқи ва зивиллари ўз аъналарини ҳурмат қилиш билан биргалиқда башариятнинг замонавий илғор технология ютуқларини ҳам ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этишга тайёрлиги гувох бўлдим. Абдулла Қодирий қаламининг қуввати, Чўлпоннинг гўзал ташбеҳлари, Фитратнинг нуқтадон назари газетавда доим акс этиб туришини тиламан.

**Кристофер ФОРД,**  
АҚШ

## БИР СУРАТ ШАРҲИ



## НИГОҲ СЕҲРИ

Карл Гуннинг "Кўк кўйлаки хоним" асарини Ўзбекистон давлат санъат музейининг таширф қоғози дейиш мумкин. У ҳажман катталиги, тасвирнинг жонлилиги ва ёш хоним нигоҳидаги сирли ҳорғинлик туфайли диққатни тортади. Ёноқларидаги ҳуснига ҳусн қўшиб турган қизиқлик эса у яширишга уринаётган хасталик нишониди.

Музей ҳодимаси айтган маълумотга кўра, бу сурат XIX асрнинг биринчи ярмига таалуқли. Асарнинг нафислиги ва жонли тасвири билан бирга яратилиш тарихи ҳам қизиқарли. Зодагон кишининг суюкли рафиқаси тузалмас дардга чалинади. Аёллига бўлган кучли севгиши туфайли ундан эсдалик қолишини истаб, суратини чиздиради. Кейинчалик, бой жанобнинг рафиқаси вафот этади. У расом Карл Гундан асарни яқунлаб беришини сўрайди ва суратдаги кўк кўйлакни бўй-басти аёллига ўхшаш хизматкор кийиб туради. Асарнинг қиммати заррача камайтирмаган ҳолда, қайтага қадрини оширишга хизмат қилган тарихга эга бетакрор сурат дунёга келади. Қўнғир сочлар, юпка пушти лаблар. Фарбда мукамал тасвирлаш устунлиги сабабидан хона ута ҳашамдор, асар ном-

га айланган кўк кўйлак эса мукамалликнинг аниқ ўзинаси.

Асарда кишини ўзига мафтун этувчи, англаш қийин бўлган бир сирлилик бор. Назаримда, фақат шу суратни кўриш учун келган киши ҳам таширфидан афсусланмайди. Сурат қимматини, эҳтимол, соҳа мутахассислари яхшироқ билишар. Мен учун эса, унинг қиммати жижимадор кўйлак кийган сарвкомат садақатли дилбарнинг севгисидир. Бу хоним мени ўзига шунчалар мафтун этиб қўйдики, бир кунда бир неча бор кўришга бордим. Ишонч билан айта оламки, тасвирий санъат шайдоларини "Кўк кўйлаки хоним" ўзига мафтун этмай қўймайди. Гузалликда сир бор, дардли чиройда эса севҳ.

**Элдор АБДУЛЛАЕВ,**  
галаба

## ҚУВВАТИМИЗ АСКАРДИР

**Ғулум ЗАФАРИЙ**

Ҳамиятпарвар туркистонликлар! Биз туркистонли турк болалари мухторият эълон этдик. Энди мухториятимиз барқарор бўлсин, десак бизга қувват лозим. Қувватимиз бўлган асакарликга жон-дили ила боқиб қалбимизни таважжўх этайлик, асло унутмайлик. Оч, сувсиз турсак ҳам бошқа бир нарсага қарамасдан фақат қаҳрамон аскаримизни тушунайлик! Зеро, бу исломият, бу турклик, бу миллат бунинг ила яшайди, бунинг ила буюқ бўлади. Бунинг ила жон берадир, бунинг ила ҳаёт бўлади, бунинг ила музаф-фариятларга ноил бўлиб жаҳонни титратадир. Бунинг ила аждодларимиз бўлган фотиҳларнинг қаҳрамон руҳларини шод этайлик, мазиймизни хотирга келтириб истиқболимизни таъмин этайлик, ҳаракат этайлик, бир-биримиз-ла ёмон ҳаракатларда бўлмасдан душманларимиз-ла олишиб ном-шон олайлик, ифтихор этайлик, лекин бу қувват қайси йўл ила вужудга келур?

Эшитингиз! Турклик-ла ифтихор этган миллат!

Бу кун роҳатимизни тарк этиб, ухламай, фақат бунларни тушунайлик, завқ ва вафога толмайлик,

тўй-томошаларга мўл-мўл пулларни харж этмай, иқтисодга риёя этиб орттирганимизни иона этайлик... Сандиқларни, халталарни, юларни тўлдирмоққа ғайрат этмай қувватимизни тўлдирмоққа ғайрат этайлик. Қимматлик нарсаларга, яъни олмосга, жавоҳирга, зумрадга, маржонга, ёқутга ва кумуш асбобларга олтуларимизни бериб-да, сандиқларда ҳибс этсак, бунларнинг на давлатга, на миллатга, на Ватанга, на аскарга фойдаси бўлмас. Сандиқларда шундоғича қолур. Балки эгасига ҳам фойдаси бўлмас...

Бу кун бизни аскаримиз нақадар кўб бўлса, ул қадар қувватли, ҳайбатли бўлурмиз... У вақт биз душманларга кўкратишимизни кериб қарармиз. Ҳамда орзу этган масалалар тўбсиз, тўфангсиз, силоҳсиз, мусрафсиз ҳосил бўлур. Онинг учун доимо тўпимиз, тўфангимиз, аскаримиз мавжуд бўлмоғи тақазо этилар. Ҳар ҳолда бу йўлда ғайрат этайлик...

Яшасин ҳимматли бойларимиз, яшасин аскарларимиз, яшасин миллат, яшасин Ватанимиз, маҳв ўлсин душманларимиз...

"Ишчилар дунёси" журнали  
1918 йил 2-сон.



# БОҒИЙ ХАЗИНА

Ўзбекистон шаҳарлари азалдан илм-фан маркази сифатида донг таратишда кутубхоналарнинг ўрни катта бўлган. Айниқса, IX – XII асрларда, Амир Темуру ва Темурийлар даврида мамлакатда улкан кутубхоналар ташкил этилди, илм-фан юксалди. Кейинги асрлар, хусусан, хонликлар даврида ҳам минтақадаги ийрик шаҳарлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқонда ҳукмдорлар саройларида ийрик кутубхоналар фаолият юритган.

Садри Зиё маълумотларига қараганда, XX асрнинг бошида биргина Бухоро шаҳрида 13 та кутубхона, 96 та қироатхона бор эди. Шаҳардаги ҳукмдор саройидаги кутубхонада хитой, уйғур, пушту, форс, араб ва бошқа тиллардаги кўлэмалар сақланган. Кутубхонада китобдор, мушриф, рисо-лани ва мурзлар хизмат қилган.

Сарой кутубхонасида амирларнинг шахсий коллекциялари билан бирга 47 500 жилд турли тиллардаги кўлэма ва тошбосма китоблар сақланган.

Хива шаҳрида ҳам хон саройида жуда бой кутубхона бўлган. Бу ердаги қимматли кўлэмалар асрлар мобайнида тўпланган. Айниқса, Хива хонлигининг маърифатпарвар ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида кутубхонага катта эътибор берилди. Жуда кўп асарлар қайта кўчирилди, таржима қилинди, тошбосма усулда чоп этилди, янги асарлар яратилди.

Шаҳарлардаги деярли ҳар бир мадраса ўз кутубхонасига эга бўлиб, уларда таълим жараёнида фойдаланиладиган дарслик, қўлланма ва адабиётлар, бадий адабиёт, ислом дини, тарих, тиббиёт, географияга оид кўлэмалар сақланган. Хусусан, Бухоро амирлигида XX аср бошларида ийрик мадрасалар қошидаги кутубхоналарда бир неча ўн минглаб кўлэмалар сақланган. Кутубхоналар учун алоҳида вақф мулкларини ажратилган.

Кутубхоналарда китобларни сақлашдан ташқари, янги китоб билан бойитиб бориш учун ҳам вақфлар таъсис этилган. Кутубхоналарда мусулмон давлатларидан олиб келинган кўплаб адабиётлар



жамланган. Кутубхоналар нодир китобларни тўплаш, улардан ҳеч бўлмаганда нухса кўчириш орқали ҳам тўлдириб борилган. Бухоро мадрасаларида кутубхоналар махсус биноларда жойлашган, уларда ҳарорат ва ҳаво намлиги кузатиб борилган, китоблар аёло сифатли қоғозларга ёзилиб, чарм муқовалар билан муҳофаза қилинган ҳамда махсус чарм сандиқларда сақланган.

Бухорода ўз даврининг таниқли уламолари, хусусан, қозиларга ҳамда амалдорлар, яъни бекларга тегишли хусусий кутубхоналар ҳам мавжуд эди. Шаҳарда энг бой шахсий кутубхона амирзода Ҳашматга тегишли эди. У Бухоро амири Музаффарнинг ўғли бўлиб, ўзи ҳам бир неча асарлар ёзиб қолдирган. Мамлакатда яна бир неча ийрик шахсий кутубхоналар бўлган.

Бундан ташқари, Бухоро амирлигидаги ийрик бекликлар марказлари хусусан, Китоб, Шаҳрисабз шаҳарла-

рида ҳам бек ҳузурда кутубхоналар бўлган. Аммо кутубхоналар, асосан, сарой аъёнлари, амалдорлар, олим ва уламолар учун очик бўлиб, кенг халқ оммаси улардан бебахра эди.

Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларида забт этиш жараёнида ҳарбийлар томонидан ўлка шаҳарлари, ҳукмдорлар саройлари, беклик марказлари ва мадрасалардаги кутубхоналардан жуда кўп қадимий кўлэмалар талон-тарож қилинган. Уларнинг энг қимматлилари Россия музейлари ва кутубхоналарига жўнатилган, қолган катта қисми тўпланиб қолган эди. Уларни бир жойда сақлаш масаласини ҳал этиш учун ўлка маъмурияти Туркистонда кутубхона ташкил этишга қарор қилди. Шу тариқа 1870 йилда Тошкентда рус аҳолиси ва амалдорлари учун илк кутубхона ташкил этилиб, унинг фондиди рус тилидаги китоблар билан бойитиш учун Россия Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги томонидан юборилган китоблар ҳисобидан 2200 жилд китоб тўпланади.

1886 йили кутубхона фонди 15500 тага етди. Шундан 6000 жилдини Ўрта Осиё ва унга чегарадош мамлакатларга бағишланган, турли Шарқ ва Европа тилларида ёзилган асарлар ташкил этган. XX аср бошига келиб, кутубхона жамғармаси 40 минг жилдга етди. Унинг таркибида 22160 номдаги асарлар, турк, форс, араб ва бошқа тилларида ёзилган кўплаб кўлэмалари мавжуд эди. Китобхонлардан асосан офицерлар, амалдорлар, давлат хизматдагилар ва савдогарлар фойдаланишган.

Бундай шароитда ўлкада янги усул мактаблари, илк театр, миллий матбуот ва нашриётлар ташкил этиб, маърифатпарварлик ҳаракатларини олиб бораётган жадид маърифатпарварлари кенг халқ оммасига, айниқса, ёшларга зиё тарқатиш мақ-

садида дастлабки оммавий кутубхоналарга асос солиш ҳақида ҳам қай-гурро бошлади.

1908 йили Наманган уездининг Турақўрғон қишлоғида Исҳоқхон ўғли Ибрат томонидан “Матбааи Исҳоқия” номли илк нашриёт 1910 йилда Наманганга кўчирилиб, унинг қошида “Кутубхонаи Исҳоқия” номли кутубхона ташкил этилди. Кутубхонада ўзбек, форс-тожик, рус, татар ва турк тилларидаги адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, таълим-тарбия билан боғлиқ адабиётлар, ўша йиллари чоп этилган рус ва мусулмон матбуоти намуналари тўпланган эди. Ибрат кутубхонага мудир тайинланган, китобларни ва улардан фойдаланган ўқувчиларни тартиб билан ёзиб боришни йўлга қўйган.

Бу даврда Бухоро шаҳрида ҳам ёш бухороликлар томонидан Унда ташкил этилади. “Маърифат” кутубхонасида мамлакатда ва хоризда чиқарилган янги адабиётлар, газета ва журналлар, жумладан, Истанбулда чоп этилган “Ҳикмат”, “Сиротил мустақим”, “Таърифи мусулмин” журналлари, Россияда чоп этилган “Таржимон”, “Иршод”, “Вақт” газеталари ва “Шўро” журналли, Туркистонда чоп этилган жадид матбуоти намуналари жамланган.

1913 йили Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан янги усул мактаблари учун дарсликлар чоп этиш, маҳаллий матбуотни ривожлантириш мақсадида “Нашриёт Бехбудия” кутубхонаси ташкил этилади.

Кутубхонада замонавий адабиётлар билан бир қаторда ўша давр матбуот намуналари, диний, тарихий адабиётлар ҳам жамланган.

1914 йили Тошкентдаги “Турон” жамияти қошида ҳам кутубхона, ҳам қироатхона ташкил этилган. Жами-



ят аъзолари кутубхонага ўз шахсий китобларини совға қилишган, шу тариқа яхшигина китоб хазинасига эга бўлган кутубхона юзага келган. “Турон” кутубхонаси кейинчалик Тошкент вилояти кутубхонасига айлантирилади.

1915 йили Қўқон шаҳрида Ҳамза Ҳақимзода томонидан “Ғайрат” кутубхонаси ташкил этилади. Кутубхонага Тошкентда чоп этилган янги дарслик ва қўлланмалар, тарбияга оид адабиётлар олиб келинади. “Ғайрат” кутубхонаси мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини дарслик ва адабиётлар билан таъминлашда катта ёрдам беради.

Мазкур кутубхоналарда, асосан, замонавий адабиётлар – янги усул мактаблари учун яратилган дарсликлар, мусулмон давлатларида ва Туркистонда чоп этилган матбуот намуналари, тараққийпарварлар ижодидаги мансуб адабиётлар жамланган. Кутубхоналарни ташкил этишдан асосий мақсад, авва-

ло ёшлар, мактаб ўқитувчилари, мадраса талабалари, зиёиларни янги адабиётлар, дарсликлар, матбуот билан мунтазам таништириб боришдан иборат эди. Чунки бу адабиётлар ва газеталарни бошқа бирор жойдан топиш амр маҳол эди. Шу тариқа жадид маърифатпарварлари XX аср бошида минтақа шаҳарларида маърифатни кенг тарғиб қилиш мақсадида дастлабки оммавий кутубхоналарга асос солдилар.

Уларнинг шахсий маблағлари ва хайриялар ҳисобидан ташкил қилинган бу кутубхоналарда жамланган адабиётлар мазмуни ва йўналиши жиҳатидан сарой кутубхоналаридан анча фарқ қилиб, замон руҳини акс эттирган, халқ оммаси, айниқса, ёшларнинг дунёқароши шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган.

Дано ЗИЁЕВА

тарих фанлари доктори

## ЎЛМАС НОВОЛАР

# МАҚОМНИНГ ЮКСАК МАҚОМИ

**Буюк аллома, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат серқирра ижодий фаолияти давомида адабиёт, тарих, фалсафа, тилшунослик, театр драматургияси билан бир қаторда, мусиқа санъати соҳасида ҳам закий олим, нозиктаъб шинаванда сифатида фаолият юритди.**

Бухоро халқ маорифи ноziри лавозимида ишлаган Абдурауф Фитрат 1921 йили “Шарқ мусиқа мактаби”-ни ташкил қилиб, мақомдон устозлар Ота Жалол Носиров, Ота Ғиёс Абдуғаниев, Домла Ҳалим Ибодовни мумтоз мусиқа ижрочилигидан, В.Успенский каби олимларни мусиқа тарихи ва назарияси фанларидан ёш авлодга сабоқ бериш учун ишга таклиф этади. Энг асосийси, Фитрат маърифатпарвар жамиятга Шашмақомдек мухташам туркум феноменини очиб берган биринчи миллий олимдир. 1925 йилда нашр этилган Шашмақом ҳақидаги илк мақола ҳам айнан унинг қаламига мансуб.

1923 йили Фитрат ташаббуси билан Бухоро Шашмақом таниқли фольклоршунос олим ва композитор Виктор Успенский томонидан илк бор нота ёзувига олинган. У мақом билимдонлари бўлган Бухоро амири сарой мусиқачилари Ота Жалол Носировдан Шашмақом ашула йўлларини, Ота Ғиёс Абдуғаниевдан эса чолғу йўлларини жонли ижро жараёнида нота қоғозига муҳрайдди. Шу тариқа, 250 дан зиёд чолғу куйлари ва ашула йўллари ўзида жамлаган Шашмақом туркуми биринчи марта беш чиққили нота ёзувида “Шесть музыкальных поэм (макомы)” номи остида 1924 йили чоп этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мақомлар, хусусан, Шашмақом туркуми авваллари ишқий-лирик мавзулар билан бир қаторда, панд-насихат ва диний фалсафий мазмунидаги шеърлар билан куйланган. Охиргиси эса, шубҳасиз, советлар замони сиёсий мафқурасига зид келган. Ўша пайтда ҳукм сурган сиёсий-ижтимоий вазиятни ҳисобга олмас-

номли илмий рисоласи ўзбек мусиқаси тарихи, хусусан, маҳобатли Шашмақом туркуми, унинг чолғу ва ашула бўлимлари, миллий чолғулар ҳақида қимматли маълумотлар берувчи ноёб манба бўлиб қолди. У орқали аллома яшаган давр мусиқаси ва чолғулари, уларнинг турларидан воқиф

Маълумки, мақомларимизнинг тузилишида муваққат пойдевор бўлган дойра усуллари муҳим ўрин тутди. Шашмақом таркибида ўрайдиган аксарият чолғу куйлари ва ашула йўлларининг номи айнан дойра усулларининг номидан олинган ҳам фикримизнинг далилидир. Абдурауф Фитрат ўз рисоласида дойра усулларига икки марта алоҳида ўрин ажратади: биринчисид “ҳазаж”, “рамал”, “вофир” каби бирмунча қадимий усуллар хусусида маълумот берса, иккинчисида ўзи яшаган давр Шашмақом туркумининг дойра усулларини батафсил баён қилади. Асарнинг “ўзбек миллий созлари”га бағишланган қисмида муаллиф дутор, танбур, рубоб, қўбуз, ғижжак, чанг, най, кўшнайн, сурнай, бўламон, карнай, дойра, ногора каби чолғуларнинг ҳар бирига алоҳида таъриф бериб, уларни ҳозирги даврдаги ҳолати билан таққослаш имконини яратади.

Мазкур асарнинг “Ўзбек мусиқа тарихига бир назар” номи қисмида эса, қадимги рақс ва бахшичилик санъати, мумтоз мусиқа ижрочилиги ва бастакорлик, мусиқашунослик фаолиятига оид маълумотларни ўрта асрларда яратилган мусиқий рисо-ларга таянган ҳолда шарҳлаб беради. Шунингдек, халқ орасида “Қари Наво” номи билан машҳур бўлган куй тарихига тўхталар экан, “Бу кун Ўзбекистоннинг куб ўрунларида “Қари Навоий” исми бир куй бор. Бу куйнинг жуда эски бир куй экани ҳар томонда сўйланиб туради. Бухоронинг эски мусиқийшунослари орасида унинг Навоий асари бўлгани сўйланади. Мана шу маълумотлардан сўнг “Қари Навоий” куйининг Алишер Навоий асари бўлгани эҳтимоли кучланиб қолади. Ҳар ҳолда биз шу эҳтимолни кўзда тутуб, “Қари Навоий” куйининг нотасини асаримизга ило-ва қилишни муносиб кўрдик. Навоийнинг мусиқийга хизмати ёлғуз куйлар басталамак билан қолмайди. Навоий энг буюк мусиқий устодларни, энг истеъдодли мусиқий талабаларни ўз тарбиясига олди”,



лик оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар эди. Шашмақомнинг айнан шеърли матнларсиз нашр этилиши сабабларидан бири ҳам шу. Шу боис, бу мухташам туркумининг ашула бўлими шўъбалари ва уларнинг таркибий қисмлари ўтган аср бошларида қайси шеърлар билан айтилгани биз учун қоронғи бўлиб қолмоқда.

XX асрнинг бошларида кескин ўзгарган сиёсий, мафқуравий-ижтимоий шароитларда мақомларни сақлаб қолиш, нотага ёзиб олиш ва илмий ўрганишга улкан ҳисса қўшган аллома Абдурауф Фитратнинг ўзбек мусиқа санъатини ривожлантириш йўлидаги ташкилотчилик, раҳбарлик ишларидан ташқари, 1927 йилда чоп этилган “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”

бўлиб, ҳозирги кунда амалиётда қўлланиётган чолғулардан фарқи ва умумийликларини кузатиш имконига эга бўламиз.

Рўзбек мусиқаси асосларини белгилаш, уни ташкил этган унсурларни аниқлаш ва натижада холисона илмий хулосалар чиқаришни мақсад қилганини эъди. Асарнинг “Шарқ мусиқаси” номи қисмида мумтоз мусиқамиз, хусусан, мақомларимизнинг аждоди бўлган Ўн икки мақом тизимига тўхтаб ўтади. Рисоланинг “Ўзбек мусиқаси” номи қисми айнан Шашмақомнинг тузилиши, унинг аллома яшаган даврдаги ҳолати, бўлимлари хусусида атрофлича маълумот беради.



Шаҳноза ОЙХУҲАБЕВА,

санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

дея забардаст мусиқашунос олимга хос мушоҳада юритади.

Фитратнинг мазкур рисоласини ўрганиш жараёнида унинг “учта ўзаро боғлиқ кесимда: 1) ўзбек мусиқасининг таркибий ва мантиқий қисми бўлиш “турк мусиқаси” кесимида; 2) шарқ мусиқаси (шарқ-ислом мусиқаси) кесимида, унинг таркибидаги турли этномиллий тармоқлар (араб, форс, озарбайжон, усмоний турк ва бошқа)ни назарда тутган ҳолда; 3) кенг миқёсдаги “Шарқ-Гарб” (шарқ мусиқаси-гарб мусиқаси) кесимида мушоҳада этилгани маълум бўлади.

Абдурауф Фитрат нафақат миллий мусиқамиз, балки Европа жанрларини ўз ичига олган композиторлик ижодиёти билан ҳам бирдек қизиққан. Жумладан, унинг 1920 йили “Иштирокион” газетасида “Вокал санъати ва опера хусусида” номли махсус мақоласи чоп этилади. Кейинчалик унда опера яратиш гоёси ҳам пайдо бўлади. Мазкур опера Бухоро амири даврини акс эттирувчи мавзуда бўлиши режалаштирилган. Опера мусиқасини ижодий ҳамкори В.Успенский басталани кўзда тутилган эди. Аммо бу иш Фитратнинг ноҳақ қамалиши сабаб амалга ошмай қолади.

Таъкидлаш жоизки, Абдурауф Фитрат ўзининг самарали изланишлари билан XX аср ўзбек мусиқашунослигининг асосчиларидан бирига айланади. У шоир ва адиб, драматург ва публицист, тилшунос ва адабиётшунос, тарихчи ва файласуф, санъатшунос ва жамоат арбоби сифатида маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирди.



## МАДАНИЯТ ТЎЛҚУНЛАРИ

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Boshi 1-sahifada



Абдулла АВЛОНИЙ

**Х**ар кимга маълумдирки, денгизларнинг тўлқунлари бир тарафдан иккинчи тарафга кўчуб юрийдир. Бу кун бир тарафда тўлқун бўлса, эртаси иккинчи тарафда бошлануб, аввалги шовуллаб, қичқириб, шодлигинданми ёки бошқа бир сабабданми бир неча сажин юқорига сакрашуб турган ерлари сукут ва соқит бўлуб қолади. Шунга ўхшаш Бани башар (Одам болалари) орасида ҳам маданият тўлқунлари қувшиб ва суришиб юрийдир. Бир аср ичинда тараққий ва маданият дунёсинда гўта уруб, сузишиб юрган бир қавмини кўрасанки, иккинчи асрда таназзул дунёсига юзлануб, ваҳшийлик оламнинг энг оғир нуқтасига боруётгандир. Бунинг сабаби ижтиҳод ва байратнинг озанови, иттифоқ, инсоф ва адолатнинг йўқоливи, халқнинг илму маърифатдан узоқлашиб, бузуқ ишларга майл ва рафбатлари ортувдир.

Ҳар бир миллат маишат тарафидан тараққийга юз қўймаса, маънавий тарафдан, яъни маърифат тарафидан ҳам тараққий қилолмас, бир кишининг ўз маишатига етарлик молу ашёси бўлмаса ва буларнинг сабабига ҳаракат қилмаса, моддий ва маънавий ишларни қилмоқдан ожиз қолур. Ва бундай очу яланғоч ўз авқотини ўтқара олмай турган бир халқга маърифат, маданият, улуғ ва фунундан дарс вермак муносиб бир иш бўлмаса керак, чунки фақир халқларнинг кеча-кундуз фикри-зикри нон топмак ва бола-чақасининг қорнини тўйғузмақдир.

Таажжубки, мамлакатимизнинг ерлари, ўсимлик тупроғи баракатлик бўлиб туриб, ерли халқ оч ва яланғоч, бойқуш каби вайроналарда умр ўтқарадилар.

Бу тараққий замони ва маданият асри, билмам, бизни на ерга олиб боражак, ибрат кўзи ила Эски шахримизнинг муслмон даҳаларига назар солган киши ҳар маҳаллада юздан тўқсон хоналарини(нг) бузилган, ёрилган, вайрона ва инқироз дунёсига юзланган бир ҳолда кўрадилар. Гўё бу хоналарнинг деворлари, томлари лисони ҳол ила бизни илмсизлик, тарбиясизлик, тўй деб минглара ақчаларни беҳуда исроф қилмак, тўйларда жомафорушлик қилмак вайрона ва харобазорликка солди, деолар. Эмди, вайрона соҳибларини фақир ва хорликда яшаган, бола-чақаларини қўл кучи ила тўйдирадиргон, тўй деган ерда муқаддас Ватанини сотуб, сарф қилмоқдан тортинмайдирган “ҳозирам ҳузурам” деб истиқболини уйламаган ва болаларининг саодатини тушунмаган бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмак керак? Оч-яланғоч, кулфат, меҳнат ва заҳмат балолари орасида ўрғалиб қолган бир қавмга: “Маданиятга кирингиз, мактаб солингиз, ўқунгиз, тараққий қилингиз” каби сўзларнинг фойдаси ўлмадими офтобдан ҳам равшандир. Бу фақирликнинг энг кўрқунч тўлқунлари орасида эзилган халқимизни тўй маразидан қутқарурага тиринмак ва илож истамак лозимдир...

Ва бу маданият тўлқунларини ўзлариға асиру мусаххар қилуб олдилар. 15 нчи асрда маданият суварини суриб, Амриқо қиътасига олиб бордилар. Амриқонинг ерли ваҳший халқлари “эшиқларидан оқсон сувнинг қадрини билмадилар”, маданиятга киришмадилар, қабул қилмадилар. Ота-боболаридан қолгон одатларини ташламадилар, ўзларича ваҳшатда авратларини япроқлар ила уртуруб, бошларига товус патларини санчуб, яланғоч гоҳ дараклар устида, гоҳ кафаларда, гоҳ ертўлаларда дўмбира ва чирмандаларни чолуб, яшай бердилар, маданият орқаларидан кувди, қочдилар. На ерга борсалар, маданият ҳам борди, қочиб кутулмадилар, охирида маданият галаба қилиб, инқироз дунёсига кузатуб юборди. Мана шу жумладан, ярим-ёрти ваҳшатда яшаш ўрта Осиёға, Туркистонимизга Русия ҳукумати ила баробар маданият суварли келуб кирди. Ҳозир ярим асрдурки, маданият бизни орқамиздан қувинур. Биз қирдан-қирға қочурмиз, қаршимизда маишат машаққатлари чиқуб хужум қилур, ўнгимиздан билимсизлик ва жаҳолат келуб, жонларимизни сиқур, сўнгимиздан мусрифлик, фақирлик ва бидъатлар чиқуб йўлимизни тўсур. Дангасалик, ялқовлик, ишсизлик устимиздан босуб бўлмак истар.

**А**жабо! Бизлар ҳамон бу эскинча аромка орасидан чиқуб қочмак ва уйламак лозимки, бу ромка орасидан чиқуб қочмак ва қутулмак мумкинми? Йўқми? Бизим фикримизча, қочмоқнинг имкони йўқ, қутулмак халос бўлмакнинг фақат биргина чораси бордурки, маданиятни қабул қилмак ва маданиятга киришмақдир. Лекин киришганда ҳам маданиятнинг ҳақиқатини билмак ва ҳақиқий маданиятга киришмак лозимдир. Баъзи

ёшларимизга ўхшаш усти ялтираган, ичи қалтираган бўлуб, бошларига Европу қалпоғини киюб “Маданият!”, “Маданият!” деб оғизларини кўпуртуруб, оз-моз муслмонча, чала-ярим русча сўйлашуб кулғу бўлиб юрмак маданият бўлмай, масҳарабозликнинг бир шубъасидур.

**Ё**шларимиздан маданиятга лойиқ равишда ўқуб, диний ва маданий кишилар ҳозирланса, тарбия ва таълимга мохир олим ва олима, адиб ва адибларимиз етушса, мактаб ва мадрасаларимиз мунтазам ва тартиблик бўлса, зироат, саноат ва тижорат ишларига мохир кишилар етушуб, замонага мувофиқ равишда иш юритилса, тартиблик “Дорул-ятим” – етимхоналар, “Дорул-ожизин” – камбағалхоналар, кутубхоналар ва қироатхоналар очилса, ширкат (товаришество)лар барпо қилинса, юқорида дедимиз каби, халқимиз орасида замонага лойиқ улуғ ва фунундан бохабар уламуларимиз кўпайса, оч ва яланғоч кишиларимизнинг маишатларини тузатмак учун ҳаракат қилинса, ўқултиса, ахлоқ ва одоб ўргатилса, шул вақтда эскинча орасидан чиқуб, ҳақиқий маданият бўстониға юзлангон ҳамда маданият тўлқунларидан кутулуб, соҳили саломатга чиқсон бўлур эдук. Соҳили саломатга чиқувимизга замон мусоид верурми, вермасми билмаймиз.

*Илм ила олам мусаххар бўлди,  
биз жоҳил ҳануз,  
Хоби гафлат бошимизға етса  
ҳам Гофил ҳануз,  
Очмайин ибрат кўзин биз  
уйқуға мойил ҳануз,  
Илми ҳикматларға бизлар  
бўлмадук қобил ҳануз  
Шеърини вирди забон қилмақдан  
бошқа чорамиз йўқ.*

### ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

**Сўфиев Убайдулла** 3328-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1884 йили туғилган, Наманган шаҳрида яшаган собиқ савдогар, 1930 йили аксинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган учун қамқовчи олинган. Қамқовдан озод бўлгач ўзининг аксинқилобий фаолиятини тўхтатмай йиллар давомида ташвиқот олиб борганликда, советлар чиқарган қарорларни маззах қилганликда айбланган.

**Солимов Норжон** 2332-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган. 1887 йили туғилган, Бухоро шаҳрида яшаган савдогар, аксинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси. Аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда ва совет ҳокимияти шаъниға аксинқилобий иғво гаплар тарқатганликда, аксинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти томонидан қўлга киритилдиған келажақдаги ҳокимиятни мақтаганликда айбланган.

**Роҳатов Ҳожи Аҳад** 2330-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган. 1876 йили туғилган. Акмалободлик, собиқ полициячи, 1920 йили Бокундаги турк элчихонаси билан аксинқилобий мақсадда алоқада бўлган, аксинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси ва фаол босмачи бўлганликда шунингдек, атрофидагилар орасида аксинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаъниға бўхтон тарқатиб, аксинқилобий троцкийчи миллатчиларни мақтаганликда айбланган.

**Алимов Мунижон** 1890 йили туғилган. Бухоро шаҳридан, инқилобга қадар шарият қозиси, ВКП(б) собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан ўчирилган. Миллатчи аксинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг раҳбарлик марказини эгаллаб, босмачилар ташкилотчиси бўлиб, қуроли қўзғолон тайёрлаганликда, совет ҳокимиятининг иқтисодий тадбирларига қарши фаол кураш олиб борганликда, троцкийчилар билан бирлашгани ташвиқот қилганликда, хорижликлар билан мунтазам алоқада бўлганликда айбланган.

**Хўжаев Ота Пулатович** 1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, хизматчи. ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан ўчирилган, ҳибсга олинганға қадар Бухоро шаҳрида озиқ-овқат дўкони директори. Аксинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг раҳбарлик марказида бўлиб чекка жойларидан унинг тармоқларини очишда, буржуа-миллатчи сифатида ташвиқот юргизганликда, хориждагилар билан алоқада бўлганликда, исён ташкил этиш бўйича иш олиб борганликда айбланган.

**Саиджонов Мухторжон** 1893 йили туғилган. Бухоро шаҳридан, савдогар хизматчи оиласида тарбияланган. ВКП(б) собиқ аъзоси, партиядан ўчирилган. Ҳибсга олинганға қадар “Узбеккино” трести бошқарувчиси бўлган. Аксинқилобий, миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилоти раҳбариятда бўлиб, тарғибот ишлари олиб борганликда, Марказнинг тадбирларини муҳокама қилинган йиғилишда қатнашганликда айбланган.

**Саттор Хўжаев** 1897 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олинганға қадар “Узбектайёрлов” идораси директори ўринбосари бўлган. Аксинқилобий миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, совет ҳокимиятининг молиявий кудратини издан чиқариш бўйича иш юритилган, аксинқилобий ташкилотининг мустақил буржуа давлатини яратиш учун кураш тадбирларини ишлаб чиққан йиғилишларда қатнашганликда айбланган.

**Саиджонов Мусо Йўлдошев** 1898 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, савдогар хизматчининг ўғли, ВКП(б) нинг собиқ аъзоси, ўз хоҳиши билан партиядан чиққан. Аксинқилобий миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, совет ҳокимиятиға қарши кураш ва мустақил буржуа давлатини ташкил этиш учун тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этганликда, миллатчи аксинқилобий ташвиқот юргизганликда айбланган.

**Наймжон Ёқубзода** 1890 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, йирик савдогарнинг ўғли, хизматчи, судланган. Аксинқилобий миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, доимий равишда унинг йиғилишларида қатнашганликда, чет элда “Миллий иттиҳод”нинг хорижий бюросини ташкил қилиш учун одамлар ва маблағларни Афғонистонга ўтказишни тайёрлаганликда, Германия ва Афғонистон консулликлари билан яширин алоқа ўрнатганликда айбланган.

**Бурхонов Муқомил** 1889 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, мудarris ўғли. ВКП(б) аъзоси, диний эътиқоди туфайли партиядан чиққан. Бухоро Халқ Совет республикаси ҳузурида Адлия вазирлигида ишлаган, нафақада. Аксинқилобий миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилоти маркази аъзоси, унинг хазинабони, қуроли қўзғолон масалалари муҳокама қилинган аксинқилобий ташкилотининг кенгашилариға фаол қатнашганликда, миллатчилик ташвиқотини олиб борганликда айбланган.

**Хўжаев Ҳамра** 1897 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, руҳоний, хизматчи оиласидан. ВКП (б) собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан чиқарилган, ҳибсга олинганға қадар аниқ маъшулот бўлмаган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси. Сийёсий ходимларни ўлдиришни ташкил этиш билан боғлиқ маҳсус махфий ижросиси бўлганликда, миллатчи, аксинқилобий ташкилотининг йиғилишларида мунтазам қатнашганликда, Ўзбекистонни Советлардан ажратиб олиш масалаларини муҳокама қилишда фаол иштирок этганликда, зарарқунандалик, бузғунчилик фаолият олиб борганликда айбланган.

### ТУРКИСТОН ТАРИХИ

**М**иллий мактабларда ўқулмоқ учун миллий тарих китобларнинг лузуми ҳар кимга маълумдир. Ҳар миллат ва ҳар қавм мактаблариндан аввало ўзларининг миллий тарихларини ўқутмақдирлар. Ибтидоий мактаблардан мақсуд ҳам ўз она тилини билдуруб, ўз адабиёти ила ошно қилмак, билвосита ёш ўсимир болаларнинг мулоийм қалбларина миллат ҳам ватанга муҳаббат уруғини сочмак; миллий тил миллий адабиёт ва миллий тарих ила онларнинг фикрларини танвир этмақдан иборатдир. Шул муҳаббат ҳаббасини ўсдируб, болаларнинг ҳиссиёти миллияларини уйғотмак ва онларни чин ва ҳақиқий миллат ҳодими қилмоқ учун онларға миллий тарих ўқутмоқ лабудда минхудир (шартидир-З.А.). Шунинг учун маданий ва мутараққий миллатлар ўз миллий тарихларига зиёда аҳамият берадилар. Тарих илмиға аҳамият берганлари каби онинг олимларини — муаррихларини ҳам эъзоз ва тақрим қиладилар. Лекин мааттаассуф бизим Туркистонда бу кунгача “тарих”га аҳамият берилмади. Мактабларимиз учун миллий тарих китоби (Туркистон тарихи) ёзилмади.

Шу сабабдан бўлса керак, мактабларимизда ўқуган ва ўқуб чиққан болаларимизда миллий рух ва миллий ҳиссиёт бўлмай, миллат учун оз тахти дил (юракдан-З.А.) хизмат қилганлари кўринмайди...

Тарих ўқумагонлиқдан келган зарарлар санабгилар...

на битуррулик эмас: ўз миллий тарихини билмаган миллат, ўз отасини билмаган “...”дан туғилган бир болага ўхшайдир. Тарихи мажхул бўлган миллатни истаган қадар таҳрир қилурлар, ваҳшат ва жаҳолатга нисбат берурлар, ноҳақ ифтиролар қилурлар. Аммо ул миллат воқеъда гўё яхши отанинг боласи бўлса ҳам миллий тарихдан, яъни ота-бобосининг дунёда нечук умр сурганларидан хабарсиз бўлгани учун бошқалар тарафидан қилинган ифтиролардан ўзини покламак ва онлар тарафидан суйкалган қораларни оқламақдан ожиз қолароқ, турли ҳақорат ва бўхтонларни бўйниға олмоққа мажбур бўлур. Бу сатрларни ёзмоқдан мақсудимиз...



дим тарих билмаганларни таҳрир қилмоқ эмас, балки онларға тарихнинг аҳамиятини билдирмак ва шунинг ила баробар миллий тарих вужудға келтурмак учун онларни тарғиб ва ташвиқ қилмақдир.

Ҳозирда бу масаланинг қиммат ва аҳамиятини мактаб муаллимлари била бошладилар. Фақат китоб йўқликдан болаларға ўқутмоқ хосиятидан маҳрумдирлар.

Зотан тарих аҳамиятли бир илмдир. Агар аҳамиятсиз ўлса, Курьони Карим ва бошқа кутуби самовия саҳифаларина дарж этилмас (битилмас-З.А.) эди. Демак, тарих муҳим бир дарсдир. Бир миллатнинг бутун аҳоли руҳияси — жамияти башария ва ҳаёти ижтимоийда ўйнагон роли ёлғуз шул тарих воситаси ила биллиур. Тарих миллатнинг жони — руҳи, моддий ва маънавий ҳаётидир...

Тарихнинг аҳамияти ҳар кимга маълум бўлганидан бу ҳақда сўзни узоқ чўзуб турурға ҳожат кўрмаймиз. Фақат бошқа ҳеч бир ишға қарамасдан, соатлар ва дақиқаларни ўзидрамасдан тезлик ила мактабларимиз учун “Туркистон тарихи” ёзмоқ лозимдир.

Муни ким ёзар?

Бу масаланинг жавобини қорийларимиз ва зиёлиларимиз берсунлар.

Нуширавон ЁВУШЕВ

“Садоий Туркистон” газетаси 1914 йил, 17-сонидан

Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ нашруға тайёрлади.

#### ТАҚВИМ

Газетамизнинг “Тақвим” рўқнда жадид зиёлиларининг вақтли матбуот саҳифаларида босилган эътиборга молик бадиий, адабий-илмий, маданий-маърифий манбаларни қайта нашруға тайёрлаб тақдим этиш режалаштирилди. Тарихий манбалар орқали муҳтарам “Жадид” муштарылари давр руҳи, матбуотнинг ҳоли, уларда ёрилган масалалар, турли баҳс-мунозара ва янгиликлардан хабар бўлиши табиий. Бу рўқнда бериладиган манбалар газе-

та нашр бўлаётган ҳозирги кун санасидан бироз фарқлианиш ёки саналари ўзаро мос келиши ҳам мумкин. Дейлик, ушбу сонда берилётган Абдурахмон Саъдийнинг “Узбек ёш шоирлари” номли мақоласининг қуйдаги қисми айнан бундан ропа-роса 100 йил олдин “Туркистон” газетасининг 1924 йил 12 январидан чоп этилган эди.

#### Таҳририят

Бу асарда умуман воқеалар ҳам пардаларда сакраб юриб, бир-бири билан табиий боғлана олмасдан борадир. Ундан кейин воқеалар жуда ёлғулик бўлуб бориши керак бўлгон ҳолда, сўник бир руҳда борадир. Фитратнинг “Ҳинд ихтилочилари” деган сўнгги, яъни 23нчи йилда босилиб чиққан 5 пардалик томошалари унинг энг яхши чиққан асарларидандир. Фақат унинг бу асариде ҳам энг бир катта камчиликлардан бор: асардаги қахрамонларнинг қаллиси ичига шоирнинг ўз мияси кўйилмоқлиғидир. Бир Ҳиндистон

#### Абдурахмон САЪДИЙ

қишлоғининг қизи бўлгон Дилнавоздан аллақандай чуқур фалсафий сўзлар сўзлатиш ҳар ҳолда фаиритабий бир нарсадир. Умуман, бу асардаги қахрамонларнинг ҳаммаси деярлик файласуфлардир. Буларнинг мияси ҳикматлик сўзлар ва зарб-масаллар уясидир. Булар одатий ижтимоий ва моддий турмуш инқилобчилари бўлгон одамлар эмаслар. Қисқаса, Фитратнинг томошалари, қахрамонларида турмушнинг, воқеанинг берган фикр ва ҳодисаларини ўзининг табиий равишда сўзлата олиш хусусиятидан умуман маҳрумдир.

“Туркистон” газетаси 1924 йил 12 январь.

Нашруға тайёрловчи Баҳодир КАРИМ



### ЎЗБЕК ЁШ ШОИРЛАРИ: Фитратнинг томошалиқ ҳам ҳикоялари

Фитрат томошалиқ асарларини ўзбек турмушидан олиб ёзмайдир. У ўзбек шоири Туркистон боғлариде эмас, Ҳимолой тоғлари теграсида учадир. Унинг “Чин севиш”и ҳам, “Ҳинд ихтилочилари” ҳам Ҳиндистон халқи турмушидан олиб ёзилгон.

Фитрат томошалариға биргина туб фикрни олмасдан ва биргина мақсад кузатмасдан шошиб қоладир. Масалан, “Чин севиш”да Фитрат шу уч турлик мақсад ва уч турлик туб фикрни

кузатадир: 1) чин севиш-ишқ; 2) бутун Оврўпонинг, айниқса, инглизларнинг муслмонларға зулми; 3) ҳинд ихтилочиларининг ҳаракати...

Асарнинг биринчи туб мақсади ишқни суратландирмак, умуман ишқ тўғрисида, айниқса, шарқ ишқи ҳақида фалсафий фикрлар сочмоқ бўлиб, бу тўғрида шоир ўзи тамоман Нуриддин (асар қахрамони)да яширингон кўринадир.

Оврўпо ва инглизларнинг зулми тўғрисида яна шоирнинг

Ҳиндистон одами орқасига яширингонини сезамиз. Китобнинг 5-пардасида Каримбахш кўрсатилган ихтилочилар йғини, унинг ихтилочилар ҳаракати, инглизлар билан урушиб қурбон бўлишлари ҳеч шубҳасиз ўзи бир мавзу, ўзи бир туб мақсад, туб фикрдир. Мана шу уч турлик муҳим мақсад бир-бири билан арашдириб юборилгонлиғидан шоир шуларнинг ҳеч бирисини тугал бера олмагон.

(Давоми келгуси сонда).



Исаaxon СУЛТОН,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Меҳмонхонага чўгдай кўрпачалар солиниб, ёстиқлар, лўлаболлашлар кўйилди. Оқсочлар эса норин учун хамир қориб, ҳил-ҳил пишган от ва кўйи гўштини майдалаб тўғрашга киришишди.

Айтилган вақтда меҳмонлар бирин-кетин кела бошлашди. Аввал мовут тўн кийиб, катта оқ салла ўраган бир уламо билан ингичка мўйловли, чуқур кўзли биров кириб келди. Бу киши шаҳардаги кўзга кўринган имом-хатиб Заҳириддин Аълам, ҳамроҳи эса бир қанча мударат Боку ва Истанбулга қатнаб юрган Зиё афанди эди. Сўнг бежирим симоби чопон кийиб, хийла катта салла ўраган ўрта жуссали, қўнғиз мўйловли одам — Тўлаган қори кўринди. Абдувоҳид қори уларни дарвозахонада эҳтиром билан кутиб олар, хизматкорлар дарҳол келувчиларнинг чопонларини олиб, кўларига сув қуйиб, ичкарига таклиф қилар эдилар.

Ҳамма келиб бўлган, “Келинлар, келинлар” деган ғовур-ғувур билан ўтиришиб, дуо қилишди. Келганлар ўн тўрт киши эди. Гулдор қашқар чойнакларда чой кирди. Кимга кўк, кимга фамили чой қуйилди. Ҳамма зир югуриб хизмат қилар эди.

Гўштқуйди сомсалар лиқопчаларга солиб узатилди. Ортидан мурч-пиз аралаш, шўрвали норин кирди. Келганлар булардан оз-оз тановул қилиб, тайёрлаганларни дуо қилишиб, дунёда бўлаётган ишлардан сўзлашиб ўтиришди.

Чувак юзли, бетиде катта холи бор киши — Абдурашид хўжа Абдувоҳид қорига мурожаат қилиб:

— Утган гал хурматли қори жадидлик ҳақидаги фикрларини поёнига етказмаган эдилар. Фурсатдан фойдаланиб, бу гал тамоми набағишласалар-у, ёшларимиз ҳам эшитиб, билиб олсалар деган ўтин-

латишини яхши билурлар. Агар дунёда бор нарсаларга разм солинса, ҳар бирида тажид, яъни жадидлик борлиги пайқалур. Мисол учун, баҳор-ёз ҳам, кузу қиш ҳам жадиддир, яъни янгилувчидир.

— Тўғри! Жуда тўғри айтдингиз!

— Энди жадидлик ва ислом масаласига келсак, ислом ҳар доим жадидликка ёр бўлганлигини кўрамиз. Динимиз тарихига назар солсак, жадидлик йўлини тутган фидойиларга дуч келамиз. У зотлар ҳар юз йилда бир мужаддид янгиланувчилар келиши учун дуо қилганлар, яъни, ҳар юз йилда

ислохот киргизди, инқилоб ясади.

Орадани кўп вақт ўтмади. Иш бошига ашроф Макка авлоди, уммавийлар келиб, орага шахсиятни аралаштира бошладилар. Бу чиқиқдан чиқувчиларга Абу Зар ва унинг маслакдошлари қарши туриб, узоқ вақт кураш олиб борсалар ҳам, лекин натижада ашроф синфи ғолиб келиб, Абу Зар ва тобеълари енгилдилар. Шундан кейин секин-секин ҳаётнинг меҳвари бўлмиш ислом сиёсати янглиш йўл билан тараққий эта бошлади. Машварат усули йўқолди, исломнинг идораи жумхурияси идораи мустабидага

бўлб тургандагина яшашига иймон келтирган эдилар. Воқеан, Оврупо мустабидларнинг тутган бу йўллари тўғридир. Агар Шарқ — Ислом оламининг ўзидан чиққан тажид душманлари бўлмаса эди, уларнинг шарқдаги истибоддининг руҳига ҳам фотиҳа ўқилган бўлур эди...

— Гўё фурсатдан фойдаланиб, юртни қутқариб олишнинг фурсати етгандек эди-я! Лекин нажот ташдан келмаслигига яна бир қарра амин бўлди. На фаранг, на оломан ваъдасининг устидан чиқди. Кўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирди-ю, амалга келганида жимжилгани ҳам қимирлатиб қўймади.

— Ортидан эса ғазоват уруши бошланиб кетди... — давом этди Заҳириддин қори. — Бургутдай йигитлар эл-юрт, ор-номус деб, тиш-тирноғига қурошган лашкарга қарши ёй-қилч ёхуд қўшотар билан қарши чиқиб, жондан кечиб ҳалок бўлиб кетмоқдалар. Айниқса Кўзонни айтинг, бундай жангу жадали дунё кўрмаган. Шермуҳаммадбек, Мадаминбек, Холхўжа эшон Ўзган ва Тошкент орасида дашт кезади, Қоратегин, Болжувон, Кўлоб ва Бухорода лақай Иброҳимбек кофирнинг жонини Азроилдек олади, Самарқандда Очилбек билан Баҳромбек қўрбоши, Қарши-ю Косонда Турди тўқсоба, Гул оқсоқол жон тикади. Минглаб йигитларнинг озик-овқати, қурол-яроғи, ётиб-туриши қайси маблағ ҳисобига таъмин қилинган? Халиям шу халққа таъзим қилиш керак, еб турган номининг ярмини бериб, қўрбошилари қўллаб-қувватлаб турибди!

— Бу йўлда қўлига қурол олган хотинларни айтмайсизми? Иброҳимбек лақай қўшинига карманалик Нодира қиз бир бўлук тузиб қўшилгани, олтириқлик Шакархон эркакча кийиниб, Искобил турмасидаги босмачи йигитларни озод қилгани, Холхўжа эшоннинг синглиси Ойшахон акаси билан бир сафда тургани ё ўшлик Ойимча хотун Ўзганда асирларни қутқарганининг ўзи қанчалар жасорат...

— Эҳ, нимасини айтасиз... Уруш қонуниятига кўра, халққа тегилмас, жангга фақат қўшин кирар, ғалабаси ё мағлубияти ҳалол бўлар эди. Оқпошшо қўшини қора халқми, аскарими, барининг қонини бирдай тўккани халқнинг суягига бориб тақалгани учун кўзгалди, десангиз-чи. Аммо, афсуски, бу ишлардан бирон бир натижа чиқмади...

## ҲАСРАТ

### “Маъсума” романидан парча

чимиз бор эди, — деди.

— Тўғри, яхши иш бўларди, — деди бир неча киши.


— Бу масалани кунга кеча поёнига етказиб эдик, бори, мулла Заҳириддин айт қолсинлар, — деди Абдувоҳид қори.

Мулла Заҳириддин Аълам асли андижонлик бўлиб, бир қанча йил бурун Тошкентга келган ва Абдувоҳид қори бошчилигидаги “Шўрои исломия”да қорининг ёнида хизматда эди. У ўрнидан кўзгалиб, “Бисмиллоҳ” деб чўк тушиб олди-да, деди:

— Тўғри айтасиз, ёшларимиз нима учун “инқилоб” ёхуд “ихтилол” эмас, балки “жадид” сўзи қўлланганига ҳайрон бўлмоқдалар. Арабчадан хабардор кишилар “жадид” сўзи “тажид”нинг бирлиги бўлиб, маъноси “янгиловчи” ва “инқилоб топтирувчи” деган мазмунни ан-

турмушда катта бир ўзгариш содир этишини Парвардигордан тилаганлар. Шу сабабли, динимиз тарихини асрларга бўлиб, ҳар бир асрини текширсангиз, саф-саф жадидларга дуч келасиз.

Исломдаги жадидларнинг хизматлари амалга татбиқ этилганида, турмушда улуг инқилоблар зуҳур этади ва шу билан, бойлик қуллари ва халқни талайдиган нокаслар ер билан яксон бўлурлар... Қаранг, дунёга ҳақ дин келтирилди ва у жоҳил араблар орасига киргизилган жадидлик — ислохот бўлди. Бу эзгу иш Абу Жаҳл ва Абу Лаҳабларнинг иззат-нафс ва манфаатларига мос келмагани учун, улар бор кучлари билан исломга қарши турдилар ва ниҳоят, ўзларининг ҳақсиз жанжаллари йўлида қурбон бўлиб кетдилар. Ислом, замонасига мувофиқ барча ишларга




айланди, жадидлик асослари бузила бошлади.

Асл асос руҳи билан суғорилган жадидлар ҳар аср сайин чиқиб, халқни асосга қақирдилар ва бунга бир қадар муваффақ ҳам бўлдилар. Лекин ҳар асрнинг тузалмай қолган бузуқликлари йиғилиб келиб, кейинги кунларда мўминлар бошига битган бало бўлди.

Ислом розолатини иставгучи собиқ Ўрусия Чори ва ҳозирги Ингилистон ҳукумати бизнинг тажид душманларимизнинг бошларини силагувчилардан бўлдилар. Чунки, улар Шарқда ўз салтанатларининг ёлғиз шу тажид душманлари тирик

*Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсиятни йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шухратпараст мултиҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлми етмай қолди.*

Абдулла ҚОДИРИЙ



### ЖАКЖИ ТАДҚИҚОТ

Кичкинагина “вергул” нафақат ёзувни тўғри ўқишда, балки яқин тарихимизни тўғри таҳлил этишимизда ҳам бизга ёрдам бериши мумкин. Хўш, қандай қилиб?

Хозирда аксарият тиллар грамматикаси асосида қадимги лотин грамматикаси ётади. Шу боис тилшуносликка оид атамалар, асосан, лотинча ёки юнонча. Замонавий ўзбек грамматикаси ҳам ана шу улкан дарахтининг бир шохобчаси, дейиш мумкин. Айтилган, унда илгари мавжуд бўлган араб сарфу наҳви асосидаги тил қоидалари нисбатан кучсиз акс этган.

Лотин грамматикасига хос қоидалардан бири — тиниш белгилари. Дарвоқе, баъзи атамалар тилимизга муваффақиятли ўғирилган, масалан: тиниш белгилари, қўшимча, келишиқ, тўлдирувчи... баъзи атамалар эса Кошгарий замонида ҳам мавжуд эди: феъл, от (исм), сифат...

Ўтган аср бошларида лотин грамматикаси асосидаги рус грамматикаси биз учун ҳам улги бўлиб хизмат қилгани сир эмас. Айтилиқ, келишиқ (падеж), тўлдирувчи (дополнение), аниқловчи (определение) каби атамалар айнан русчадан нусха кўчириш орқали ясалган. Аммо “вергул” не-

## ВЕРГУЛ

дир русча (“запятая”) эмас, французча (“virgule”).

Аксарият оврупо тилларида “вергул” ўрнида ҳозирда асли юнонча — “comma” (“κόμμα”, “komma”) кўлланади, лотинча (“virgula”) “вергул” эса фақат француз ва бошқа оврупо тилларида сақланган. Хўш, қандай қилиб тилимизга олис французчадан “вергул” ўтиб қолди?

Ҳозирда турк, ўзбек, озарбайжон, туркман, форс ва тожик тилларида “вергул” ишлатилади. Бу ҳам бежиз эмас, ўтмишда мазкур тиллар қўлланганидан худда икки тили ягона маданий муҳит мавжуд эди десак, хато бўлмайди. Аммо “вергул” бу худдага тўғридан-тўғри эмас, усмонли туркчаси орқали кириб келган.

Туркиялик олим Али Чичек Усмонли давлатида Фарб маданияти, хусусан, француз тили ва маданияти билан дастлабки алоқалар католикларнинг доминикалар ва франсисканлар диний секталари воситасида бошланган, деб ёзади. Мазкур секталарнинг доминикалар ва франсисканлар француз тили ва маданиятини бундан дунёга ёйиш билан шуғулланган. XIX аср охири ва XX аср бошларида турк зиёлилари ўртасидаги Оврупо, жумладан, француз маданияти ва адабиётига қизиқиш, француз тили мактабларининг очилиши, турк тилини

арабий ва форсий сўзлардан тозалаш ҳаракатлари натижасида турк тилига кўплаб французча сўзлар кириб кела бошлаган. Али Чичек турк тилига оврупо тилларидан энг кўп ўзлашган сўзлар — бу французча сўзлар эканлигини ёзади.

XIX аср охири — XX аср бошида нафақат усмонлилар, балки туркий халқларнинг бошқа маданий ўчоқлари, шу жумладан, Туркистонда ҳам маърифатчилик, Фарб маданиятига интилиш кайфияти пайдо бўла бошлади. Шунинг махсули ўлароқ XX аср бошида жадидлар ҳаракати Истанбул билан ҳам қизгин муносабатда эди. Қадимчиларга муқолиф бўлган жадидлар кўпгина инқилобий ўзгаришлар, шу жумладан, алифбо, тилни ҳам ислох этиш тарафдори эдилар. Французча “вергул” ҳам тилимизга ўша даврда жадидлар, уларнинг нашрлари орқали кириб келди. Бу эса тил қоидалари, грамматикага оид ислохотлар ҳам жадидлар томонидан бошлангани, аммо тугалланмагани, яъни бу ишга “нуқта” эмас, “вергул” — (,) қўйилганлиги ва совет даврида давом эттирилганлигидан дарак беради.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Oyuna.uz кутубхонаси

### АКС САДО

Эрталаб уйғонганимда дераза ортини қоплаган туманга кўзим тушди. Қўноқ туман дилни сиқади. Ўрнидан туриб, деразани очиб юборганим, тўсатдан пайдо бўлган жинтўполон ёпирилиб, хонам чанг-тўзонга тўлди. Туман деб ўйлаганим чанг-тўзон экан. Дарҳол деразани ёпдим. Шаҳримизга олис юртлардан саёҳатга келиб, юзларини шарф, рўмол билан ўраб юрадиманга сайёҳлар кўз ўнгимдан ўтди.

## КЎЗИМИЗНИ ОЧАЙЛИК

Ҳа, уларнинг осори атиқалару улуг обидаларимиздан баҳраманд бўлиш орзусини номақбул ҳаво чилакка чиқараётгани дилмини хуфтон қилди. Наҳотки, кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилган сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини дунёга кўз-кўз қилишда ишонган шахримиз Бухоронинг об-ҳавоси шунақа бўлиб турса?.. Ахир, бу холда соғлиғини саломатлигини ҳамма нарсадан устуни қўйдиган ҳаракати туркининг юртимизда ташрифи камайиб кетмаслигига ким кафолат бера олади? Айтишларича, улар бирор мамлакатга борадиган бўлса, биринчи галда у ердаги об-ҳавонинг қандайлиги билан қизиқаркан. Дарахтлари уйламай кесиб ташланган, ариқлари кўмиб юборилган айрим шаҳарларимизнинг бугунги об-ҳавоси уларни мутлақо қониқтирмаслиги аниқ. Бундай аҳволни кўриб туриб, беихтиёр битта чинордан ўнта мебель ясаб сотишни мўлжаллаган ва энг ичиди бу ишни бажариб тараллабеод қилиб юрган кимсаларга қарата: ҳой, виждонсизлар жаннатга қиёсанган манзил-масканларимизни чўлу биёбонга айланторманг!

Бу юрт, бу замин ўзимизники, бизники, келгуши авлодларимизники, у сизларнинг чекинганга тушмаган, деб ҳайқиринган келади.

Бу фикрлар илк сонлариданоқ дадил фикрларни кўтариб чиқишга чоғланган “Жадид” газетасининг жорий йил 5 январь сониде берилган Гузал Халилованинг “Тиниқ осмон, яшил макон” сарлавҳали, юртимиз, экологияси ҳақида мақоласини ўқиганимдан сўнг ҳаёлимдан кечди. Мақоладаги: “Айниқса, сўнгги вақтларда пойтахтимиз ҳавонинг ифлосланиши бўйича дунёда юқори ўринларда тургани ачинарли ҳолдир”, “Кейинги уч кунда Тошкент шаҳри ҳавоси сифати (AQI) ҳақида берилган маълумотда ҳафтанинг сешанба, чоршанба кунлари шаҳар ҳавоси зарарли, деб баҳоланди” сингари ташвишли маълумотлар ҳар биримизни ҳушёрликка чорлаши тайин.

Ҳа, юртимиз ҳавосининг тоза бўлиши ўзимизга боғлиқ. Нажот ҳам, фалокат ҳам ўзимизда. Кўзимизни очайлик.

Моҳиғул НАЗАРОВА,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
Қўллаб-қувватлаш  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”  
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг

биринчи ўринбосари:

Ҳумоюн Акбаров

Набатчи муҳаррир:

Шухрат Азизов

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят  
нуқтаи назаридан  
фарқланishi мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 195115 рақам  
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади — 4135

Лотин ёзувидаги адади — 11775

Буюртма: Г — 140

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашир кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

(71) 233-11-07

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 18:40

Сотувда нархи эркин.

